Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 18 (19.986) • 1988 йил 22 январь, жума • Баҳоси 3 тийин.

Экин экадиган ва тупроққа ишлов берадиган машиналар 1 февралдан кечиктирмай ишга тўла тахт қилиб қўйиладиган бўлишига эришиш керак. Бунда ремонт сифатига, техниканинг пухта созланишига, технология жиҳатидан мослаштирилишига алоҳида эътибор берилиши лозим. Ҳар бир машинани махсус комиссиялар далада ҳам ана шу қишлоқ хўжалик машиналарида ишлайдиган кишилар иштирокида қабул қилиб олиши керак.

(КПСС Марказий Комитетининг агросаноат комплексининг барча меҳнат коллективларига Мактубидан).

• ГАЗЕТХОН СЎЗ СЎРАЙДИ

ЕТИЛГАН МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАР

ЭРТАНГИ КУН МАСЪУЛИЯТИ

● БЕЛГИЛАНГАН ТАДБИРЛАР ҚОҒОЗЛАРДА ҚОЛИБ КЕТМАСИН. УНИ АМАЛГА ОШИРАЙЛИК

Совхозимиз чорвадорлари эл-юрт олдида қизариб қолишаётгани йўқ. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби бўлдик. Юз бош қўйдан 100 дан ошириб қўзи, ҳар бир қўйдан тўрт килограмм атрофида жун олдик. Қоракўл тери, гўшт тайёрлаш планлари муддатидан илгари бажарилди. Айни кунларда қишлов муваффақиятли ўтмоқда. Ҳар доимгидек М. Яхшиликов, Р. Эгамов, С. Букаев каби тажрибали ҳамкасбларим намуна кўрсатаётирлар.

Кўриниб турибдики, муваффақиятларимиз чакки эмас. Лекин ҳали ҳал этилмаган муаммолар ҳам кўп. Энг аввало, яйловлар билан уларда боқилаётган қўйлар мутаносиблигини таъминлаш лозим. Қизилқум шароитида ҳар бир қўй учун 6—8 гектар майдон зарур бўлади. Ҳозир бизда бу кўрсаткич нормадагига нисбатан икки, ҳатто уч баравар камайиб кетган.

Бу масалани қандай қилиб ҳал қилиш мумкин? Яйловларни кенгайтириб бўлмаслиги турган гап. Бироқ уларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича айтарли иш қилинмаяпти.

Иккинчидан, сон кетидан қувишга берилиб кетиб, кўпинча маҳсулдорлик унутиб қўйилмоқда. Масалан, гўштга топширилаётган қўйлар вазни кўпи билан 45 килограммни ташкил қиляпти. Уни 50 килограммга етказишнинг иложи йўқми? Албатта, бор. Бунинг учун астойдил меҳнат қилиш, озуқа базасини мустаҳкамлаш керак бўлади.

Чўпонларга савдо, маиший хизмат кўрсатиш ҳам тубдан яхшиланиши керак. Айни пайтда мавжуд хизмат соҳалари хўжаликларнинг марказларида жойлашган. Шу боис чўпонлар оддий юмуш учун ҳам 50—60 ва ундан ҳам кўп километр йўлни босиб қайтишларига тўғри келмоқда. Хизмат кўрсатишни гапда, қоғозларда эмас, амалда — отарларга, ферма марказларига кўчириш вақти келди.

Нортой БЕРДИЕВ,
Конимех районидаги «Шофиркон» совхози бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

МУЛОҲАЗА БИЛАН ИШ КЎРИЛСА

● РАСМИЙ ТАРЗДА БУЙРУҚ ЙЎЛИ БИЛАН ИШ КЎРИШ УСЛУБИ АЛЛАҚАЧОН ЭСКИРГАН

Заводимизда ўтган йили маҳсулот сифатини яхшилаш, план кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлашда кўп иш қилинди. Ишчиларнинг ўртача маоши 1986 йилдагига қараганда 33 процент кўпайди. Корхона пландан ташқари 50 минг сўмга яқин фойда олди.

Бундай ютуқлар кўпгина корхоналар учун оддий бир ҳол бўлиб қолган бўлсада, бу рақамларнинг заводимиз коллективи учун аҳамияти катта. Сабаби, корхона 1986 йилнинг охиригача «Ферганахлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Марғилондаги филиали ҳисобланарди. Бош корхонанинг бошқа шаҳарда эканлиги, технологик асбоб-ускуналарнинг жисмоний ва маънавий эскирганлиги оқибатида планлар аксарият ҳолларда бажарилмас, маҳсулот таннархи қимматга тушар, меҳнат унумдорлиги пасайиб кетган эди.

Мана шундай шароитда, заводнинг «Ферганахлеб» бирлашмасидан ажралиб, мустақил бўлиши мақбул деб топилди. Завод раҳбарлари, мутахассислар ишларни яхшилаш, эскирган асбоб-ускуналарни янгилаш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга оширдилар. Ўтган йилнинг ўзида 18 хил янги турдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Бу тадбирлар ўз ижобий самарасини берди, албатта. Бир мисол: агар завод бурноғи йили «Ферганахлеб» бирлашмасидан зиммасида 359 минг сўм қарз билан ажралиб чиққан бўлса 1987 йил бошида қарзлардан қутулдик.

Аммо, Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлигидаги баъзи мутахассислар ўтган йил октябрь ойида заводимизни яна «Ферганахлеб» бирлашмаси ихтиёрига қайтариш тараддудига тушиб қолдилар. Тўғри, экономикани қайта қуриш ишлаб чиқариш корхоналарини концентрациялаш билан боғлиқ. Партиянинг бу соҳадаги сиёсатини маъқуллаймиз. Аммо, буни жойлардаги мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб, узоқни кўзлаб амалга ошириш лозим-ку! Министрлик кабинетидан туриб, расмий тарзда буйруқ йўли билан иш кўриш услуби аллақачон эскирди. Бу номақбул усулни қайта қуриш даврининг талабига зид йўл деб баҳолаш мумкин, холос.

Ж. МУҲИДДИНОВ,
Марғилон нон заводи катта мастери, КПСС аъзоси.

БУЛАР ИКИР-ЧИКИР ЭМАС

● ОШКОРАЛИК — ЮРАГИМДАГИЛАРНИ АЙТИШГА ИМКОН БЕРДИ

Ҳанузгача айрим раҳбарлар жавобгарликни ҳис этишмаяпти. Қишлоқ ободончилиги, шароит ҳақида қайғуришмаяпти. Бизнинг Тошлоқ қишлоғига автобус қатнамайди. Катта йўлга чиқиш учун 12 километр йўл босиш керак. Дарёни кечиб ўтса йўл яқинлашади. Аммо бу хавфли. Наҳотки автобус муаммоси ёки кўприк масаласини ҳал этиш шунчалик мураккаб бўлса?

Қишлоғимиздаги бир қанча уй-жойларни бузиб, магистрал газ қувурлари ўтказилганига анча бўлди. Енгинангда газ оқиб турса-ю, сен кўмир қидириб сарсон-саргардон бўлиб юрсанг алам қиларкан. Еки бир машина кўмирни чайқовчидан 300—350 сўмга сотиб олишга мажбур бўласан. Бу— адолатсизлик. Бироқ буни районимиз раҳбарлари билсалар ҳам ўзларини билмаганга олиб юришибди.

Нега шундай бўляпти? Район партия ва совет ташкилотлари, хўжалик органлари раҳбарлари кўпроқ катта-катта масалалар ташвиши билан юришади. Назарларида майда бўлиб кўринган ишларга эса вақт топишолмайди. Турмушда ҳамма иш ҳам муҳим. Шу «майда» юмушлар вақти келиб зўрайиб катта-катта муаммога айланиб кетишига аҳамият беришмайди. Энди бу тарзда ишлаб бўлмайди.

М. ХОЛБОЕВ,
Оқдарё районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор.

ЭСКИ МЕЗОН ЗИЁНИ

● ТАКЛИФИМ: ИМЗОСИЗ ХАТЛАРНИ ТЕКШИРМАСЛИК

Муайян муддат ўтиши билан юқори органлар, шу жумладан, партия ташкилотлари талаб қила бошлашади: «Бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот беринг!». Айтайлик, районимизда ўтган йилда 150 киши хушёрхонага тушган, 4 киши даволанишга юборилган бўлсин.

Одатдаги мезон бўйича бу кўрсаткичлар ўтган йилги рақамлар билан солиштириб кўрилади. Ундан кам бўлса — яхши, агар кўрсаткич юқори чиқса ёмон ишлаган бўламиз. БХСС, ГАИ участка инспекторлари ва бошқа хизматлар фаолиятининг якуний баҳоси ҳам шу таҳлитда чиқарилади. Шу тарика милиция ишига ёндашиш астойдил ишлаётган ходимлар фаолиятини бўшаштириб юборишга олиб келади. Милиция ходимларининг кўпчилик қисмини сон кетидан қувишга ундайди. Чунки, улар ўзларининг иш натижалари ялпи кўрсаткичнинг «кўпми ёки камми» таҳлитда таҳлил қилинишини яхши биладилар. Бунинг оқибатида кўп камчиликлар рўй беряпти.

Яна бир муаммо. Демократия ва ошкораликкa кенг йўл очилаётган ҳозирги даврда кишиларда социалистик адолатнинг тантанасига ишонч пайдо бўлди. Бундай шарт-шароитдан айрим кимсалар ҳақ кишиларнинг обрўйини тўкиш, уларнинг тартибни мустаҳкамлаш борасидаги ишига тўсқинлик қилиш учун ҳам фойдаланмоқдалар. Бундай шахсларнинг синалган қуроли — турли юқори органларга имзосиз хатлар уюштиришдан иборат бўляпти. Уни текшириш даврида эса коллективлардаги маънавий муҳит бузилаётир. Турли хил мишмишлар тарқалмоқда. Одамларда бир-бирига нисбатан ишончсизлик туғилади. Масалан, районимиз БХСС ходимлари кейинги уч ойнинг ўзида 27 та шундай шикоятни текширишди. Уларнинг бирортаси ҳам тасдиқланган йўқ. Бироқ бу шикоятларнинг ҳар бирини текширишга милиция ходими ўртача беш иш кунини сарфлади. Демак, умуман олганда, тўхматдан иборат ана шу «юмалоқ» хатларни текширишга 135 иш куни беҳуда кетди.

Назаримда, айни пайтда имзосиз шикоят хатларни текширмаслик учун шароит етилди.

П. БОТИРАЛИЕВ,
Навоий район ички ишлар бўлими бошлиғининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, милиция капитани.

БИЗГА КИМ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

● ИНСОН ОМИЛИ ЕТАКЧИ БЎЛИШИ КЕРАК

Маълумки, маиший хизмат кўрсатиш ҳақида доим гап бўлади. Бу тўғри. Чунки одамларнинг кайфиятлари кўп жиҳатдан бизга боғлиқ. Агар яхши хизмат кўрсатилса, муомала маданиятига риоя этилса, мижозларнинг иш унуми ошади.

Хўш, хизматчиларнинг кайфияти бўлмасачи? У қандай қилиб бошқаларга кайфичоғлик улашсин? Ўзи хафа бўлган ҳолда, ўзгага жилмайиш учун артист бўлиб у образга кириши керакми! Қолаверса, иш сифатини сохта жилмайиш билан ошириш мумкинми?

Мен Жомбой районидаги марказий маиший хизмат кўрсатиш уйида тикувчи бўлиб ишлайман. Бу ерда 70 киши меҳнат қилади, 7 хил хизмат тури мавжуд. Лекин бирор раҳбар иш шароитимиз билан қизиқмайди.

Ҳаво исиб, қуёш чиқса батареялар қиздира бошлайди. Хоналарда димиқиб кетамиз. Совуқ тушди дегунча бунинг акси бўлади. Қалтираб ўтирганингдан кейин мижозга хизмат кўрсата оласанми?

Хизмат кўрсатиш уйи озгина ораста бўлиши керак. Афсуски деворлар нураган, бўёқлар кўчган. Ремонталаб бўлиб турибди.

Биз ишбай меҳнат қиламиз. Ўтган йили ойлик маошим ўртача юз сўмни ташкил этди. Нега? Вақтида материал етказиб беришмайди. Бекор туриб қолганимиз ҳеч кимни ташвишлантирмаётир.

Умуман, биз қайта қуришни ҳис этмаяпмиз. Ҳали бирор янгилик қилинмади. Хизмат кўрсатиш уйи ходимлари дам олишга ҳақлари йўқми? Нега турли тўғараклар ташкил этилмайди? Нима сабабдан спорт машғулотлари ўтказилмайди? Завод-фабрикаларда психологик енгилланиш хоналари бор. Биз ҳам кун бўйи бир нуқтага тикилиб ўтирамиз. Озгина дам олсак, иш унуми янада ортарди.

Хуллас, хизматчига хизмат ҳақида ҳам ўйлаш фурсати етди.

Гулсара РАҲМОНОВА,
Жомбой район марказий маиший хизмат кўрсатиш уйи тикувчиси.

Ҳозирги тараддуд— мўл ҳосилга замин

◆ НАМАНГАН ОБЛАСТИ. Норин районидаги «Октябрь» колхози аъзолари техника ремонтига астойдил киришиб, уни муваффақиятли якунладилар. 111 та турли хил техника воситалари комиссия томонидан аъло баҳога қабул қилинди. Барча техника тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилди.

Суратларда: 1. Энг яхши ремонтчилар Мадамин Зокиров (чапда) ва Набижон Тожибоев. 2. Тайёр техника.

В. Молгачев фотолари.



• Дала ишлари кундалиги

КЎКЛАМ ЯҚИН, ШАЙМИСИЗ?

1987 хўжалик йили республика деҳқонларини, хусусан пахтакорларни қаттиқ синовдан ўтказди. Кўплаб хўжаликларда ерлар вақтида шудгорланмаганлиги, текислаганлиги, органик ва минерал ўғитлар билан ўғитланмаганлиги ҳамда шўри сифатли ювилмаганлиги тайёргарлик ишларини орқага суриб юборди.

Бунинг устига табиат ноқулайликлари чигитни оптимал муддатларда экиб олиш, унинг тўла униб чиқишига имкон бермади. Ерлар унумдорлиги етарли таъминланмаганлиги сабабли ғўза яхши ривожланмади. Натижада ҳосил мўлжалдагидан кам бўлди ва кеч етилди.

Аммо илғор хўжаликларнинг тажрибаси ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида бажариш билан об-ҳаво қандай келишидан қатъи назар мўл ҳосил етиштириш ва уни қисқа муддатларда сифатли йиғиб-териб олиш мумкинлигини кўрсатди. Ишлаб чиқаришда хўжалик ҳисоби жорий этилаётган, колхоз ва совхозлар ўзинўзи маблағ билан таъминлашга ўтаётган ҳозирги шароитда экин-тикин ишларига тайёргарлик билан боғлиқ бўлган юмушлар комплексининг барчасини ўз вақтида, юксак сифат билан адо этиш айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, республикамизда шудгорлаш ишлари ҳар қачонгидан уюшқоқлик билан ўтказилди. 1988 йил ҳосили учун 2467 минг гектар ер шудгорланди. Бу пландагидан 117 минг, ўтган йилдагига нисбатан 131 минг гектар кўпдир. Қорақалпоғистон АССР ва барча областлар шудгорлаш планларини ошириб бажардилар. Декабрь ойида обҳавонинг қулай келганлигидан яхши фойдаланган Хоразм области колхоз ва совхозларида 114 минг гектар ер ҳайдаб қўйилди. Бунинг ўтган йилдагидан икки баравар кўплиги областда пахтачиликни юксалтириш сари кескин ўзгариш қилишга ҳаракат қилинаётганлигидан дарак беради.

Органик ўғитлар тупроқ унумдорлигини ошириш, ўсимликнинг баравж ўсиши ва ҳосилнинг эрта етилишини таъминлашда бебаҳо резервлардан бири ҳисобланади. Бироқ маълумотлар жойларда ўғит жамғаришдек муҳим ишга етарли эътибор берилмаётганлигини кўрсатмоқда.

Республика хўжаликларида 26,1 миллион тонна органик ўғит жамғариш планлаштирилган. Ҳозиргача эса 8,3 миллион тонна жамғарилиб, бу борадаги план эндигина 31,9 процент қилиб адо этилди. Бу ўтган йил шу даврдагидан 1,7 миллион тонна камлигини айтадиган бўлсак, ҳамма жойда аҳволни яхшилаш учун кескин, оператив чоралар кўриш лозимлиги аён бўлади.

Маълумки минерал ва органик ўғитлар ерга шудгорлашдан олдин солинса қиш бўйи тупроқ таркибига сингиб, унинг структурасини яхшилайди. Ернинг экиш учун тезроқ етилиши ва уруғликнинг бир текис униб чиқишини таъминлайди. Шунга қарамай, бу муҳим ишга етарли эътибор берилмади. Шудгорлаш арафасида фақатгина 247 минг гектар ерга атиги 3,9 миллион тонна органик ўғит солинди ва бу борадаги топшириқнинг учдан бир қисми ўзлаштирилмади, холос. Сурхондарё, Наманган ва Навоий областларининг хўжаликларида ер ҳайдашдан олдин органик ўғитларнинг атиги 15—20 процентигина солинганлиги ташвиш тугдирмай қолмайди.

Тупроқни шудгор олдидан минерал ўғитлар билан ўғитлашда ҳам қолоқликка йўл қўйилди. Кузда 1125 минг гектар ерга фосфорли ўғит солиб, сўнгра шудгорлаш топшириғи белгиланган эди. Амалда эса 868 минг гектар ер ўғитланди. Бухоро, Навоий, Сирдарё ва Фарғона областларида мўлжалдаги ерларнинг ярмидан ҳам камроғига шундай ўғит чиқарилди.

Калийли ўғит ҳосил сифатини ва салмоғини оширади. Чигитнинг тўқ, толанинг мустаҳкам бўлишини таъминлайди. Хўжалик юритишнинг ҳозирги босқичида бу, айниқса муҳимдир. Лекин кўплаб колхоз ва совхозларда бу оддий ҳақиқат унутиб қўйилаётган кўринади. Ҳозиргача 583 минг гектар ерга калий ўғити солиниб, топшириқ 48 процент бажарилганлиги фикримизнинг далилидир. Бухоро, Қашқадарё ва Сирдарё областларида эса тупроққа шудгорлашдан олдин мутлақо калий ўғити солинмади. Жиззах областида планда қўзда тутилган майдонларнинг 6 проценти ўғитланди, холос.

Чигит экиш ва ғўза парвариши билан боғлиқ бўлган агротехника тадбирларининг ҳаммаси ўз вақтида юқори сифат билан бажарилишини таъминлашда ерларнинг текислиги катта роль ўйнайди. Бунинг аҳамияти яхши тушуниб етилган жойларда бу юмушлар кўнгилдагидек олиб бориляпти. Ҳозиргача республикамизда 339 минг гектар ер жорий текисланди. Қорақалпоғистон Автоном Республикасида 43 минг гектар, Бухоро областида 72 минг гектар, Жиззах областида 57 минг гектар ва Хоразм областида 80 минг гектар ерда текислаш ишлари ўтказилди. Бошқа областларда бу тадбир жуда кам миқдорда бажарилди.

Мана, қишнинг ҳам ярмидан кўпи ўтди. Ҳадемай, ўлкамизга баҳор келиб, экин-тикин ишлари авж олиб кетади. Уни ўз вақтида ўтказиш эса тайёргарлик ишларини қай даражада адо этишимизга боғлиқ. Аммо маълумотлардан кўриниб турибдики, кўплаб областлар, районлар, хўжаликларда кўклам ҳозирлиги кўнгилдагидек эмас. Шунинг учун ҳозирги асосий вазифа — йўл қўйилган нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш, қулай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, бажарилиши керак бўлган юмушларнинг қисқа вақтда, ғоятда сифатли адо этилишини таъминлашдан иборатдир.

• Диққат: янги рубрика

Соғлиқни сақлаш—«Совет Ўзбекистони» назоратида

Бугунги кунда ҳамма нарсани, ҳар бир воқеани ўз номи билан аташга ўрганямиз. Зеро, республикамизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш аҳволи кўнгилдагидек эмас. Ваҳолонки, «СССР аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилишни ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни қайта қуришнинг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»да таъкидланганидек, партия билан давлат совет кишиларининг саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашни, уларнинг умрини узайтириб, ижодий фаоллигини кучайтиришни, медицина ёрдамининг сифатини тубдан яхшилашни биринчи даражали аҳамиятга молик иш, деб ҳисоблайдилар. Шу боис редакция газета саҳифаларида «СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ — «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» НАЗОРАТИДА» деган янги рубрика очмоқда.

Мазкур рубрика остида газетада кишилар сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш борасида соғлиқни сақлаш муассасаларида олиб борилаётган ишлар, аҳолини ялпи диспансер кўригидан ўтказиш ишидаги муаммолар, республикада оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари, беморларни дори-дармонлар билан таъминлаш ҳамда яна қатор ечимини кутаётган муаммолар ҳақидаги мақолалар бериб борилади.

Бугун газетамизнинг учинчи саҳифасида дастлабки подборка материаллари билан танишасиз.

БУТУНИТТИФОҚ XIX ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ШАРАФИГА

Хизмат маданиятини ошириб

◆ Ғиждувон район маиший қурилиш-ремонт ва мебелсозлик участкаси коллективи аҳолига хизмат кўрсатиш миқёсларини оширмоқда. Ўтган йили участка ходимлари райондаги ҳар бир хонадон ҳисобига ўртача 17 сўм 16 тийинлик, жами 444,2 минг сўмлик иш бажардилар. Бу областда анча дуруст кўрсаткич ҳисобланади.

Равшан Авазов, Бўстон Омонов бошлиқ қурувчи-техниклар, Баҳром Асроров, Муҳаммад Маҳмудов каби дурадгорлар ва бошқа кўпгина ремонтчи усталарнинг ғайрати туфайли участка бўйича биринчи квартал плани барвақт бажарилади. Улар йилнинг дастлабки муваффақиятини партия конференциясига бағишлайдилар.

Т. МАҚСУДОВ,
Бухоро области.

Янги иморатлар

◆ Балиқчи районида кооператив усулда турар жой бинолари қуриш ҳажми йил сайин ортиб боряпти. Ҳозирги вақтда райондаги 9 та колхозда кооператив ташкилотлар ишлаб турибди. «Узагропромстрой» трестига қарашли 109-колхозлараро механизациялашган кўчма колонна коллективи улар билан тузилган шартномаларни муваффақиятли бажармоқда. Ўтган йили 4855 квадрат метр ҳажмда 50 та турар-жой бинои фойдаланишга топширилди. Бу —пландагига нисбатан 32 та кўп.

Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб кутиб олишга ҳаҳ қилган бунёдкорлар «Узбекистон» колхозида 140 ўринли болалар боғчасини ҳам фойдаланишга топширдилар. Янги боғчада кенжатойларнинг дам олишлари, ухлашлари, овқатланишлари учун алоҳида хоналар мавжуд.

А. ВАҲОБОВ,
Андижон.

МАТБУОТНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

21 январь куни Тошкент область партия комитетида область оммавий ахборот воситалари раҳбарларининг етакчи журналистлар билан учрашуви бўлди. Учрашувни область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов очди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида қайта қуриш шароитларида, Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига тайёргарлик кезларида оммавий ахборот воситаларига партиявий раҳбарликни такомиллаштириш масалалари кўтарилди. Топширилган иш учун ижодий ходимларнинг масъулиятини оширишга катта эътибор берилди. Область корхоналари, колхоз ва совхозларида иқтисодий ислоҳотнинг боришини тўлароқ ва чуқурроқ ёритиш, хўжалик ҳисобининг афзалликларини ёркин, ишончли мисолларда кўрсатиб бериш журналистларнинг бурчидир, деб таъкидланди учрашувда. Танқиднинг ўткирлигини сусайтирмаслик, турғунлик ҳолатларининг сарқитларига қарши курашни кучайтириш зарур. Озиқ-овқат, уй-жой проблемасини ҳал этиш, меҳнаткашларни кенг истеъмол товарлари билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш йўлларини изчиллик билан ёритиш лозим.

Одамларнинг ижтимоий активлиги ошган шароитда, деб таъкидланди учрашувда, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни интенсивлаш, жамоат тартибини мустаҳкамлаш, социал адолатни қарор топтиришга қаратилган конкрет таклифлар баён этилган хатларини кўпроқ эътибор қилиб бориш керак.

(ЎзТАГ).

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ЖАНГОВАРЛИГИ КЎРИГИ

I.

Партия ва мамлакат қайта қуришнинг иккинчи босқичига қадам қўйдики, бир-бири билан боғланган, бирбирини тақозо этувчи икки вазифа — демократиялашни янада ривожлантириш ва туб иқтисодий реформани амалга ошириш унинг ўзагини ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда қайта қуриш концепциясини ҳаёт билан амалий равишда бирлаштириш бошланмоқда. Партия ташкилотлари, унинг кадрлари фаолияти ўзининг мазмуни ва иш услуби бўйича қайта қуришнинг янги вазифалари даражаси ва характерига қанчалар мувофиқ, қанчалар яқин бўлса, бу жараён шунчалар муваффақиятли амалга ошади.

Давр коммунистларга янги талабларни қўймоқда. Улар қайта қуриш бўйича барча ишларга куч-илҳом бағишлашлари, ошкоралик, демократиялаш, туб иқтисодий ислоҳот шароитларида ишнинг янги шакл ва услубларини биринчи бўлиб эгаллашни бошлаб беришлари. Ўтмишда бўлган маъмуриятчилик — буйруқбозлик услубининг, фаолиятсизлик, бир қолипда ишлаш иллатларидан, расмиятчилик ва бюрократизмдан қатъиян халос бўлишлари зарур. КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятидаги қайта қуриш ҳаётда рўй бераётган янгиланиш жараёнларидан орқада қолишига сира ҳам йўл қўйиб бўлмаслиги уқтирилди.

Бу шунчаки истак эмас, балки ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган заруратдир. Гап шундаки, шундай партия аъзолари ҳам борки, улар партия ҳаётига қизиқишни йўқотганлар, партия йиғилишларида бажонидил эмас, зўрма-зўраки ўтирадилар. Шу билан бирга кўпгина коммунистларни мамлакатда рўй бераётган жараёнларни суст идрок қилиш ҳолатидан халос этиш даркор. Демократиялаш ва иқтисодий ислоҳот партия ташкилотлари ишида қатъий ўзгаришлар қилишни талаб этаётганини тушуниб олишда уларга ёрдам бериш лозим. Эндиликда ҳар бир партия ташкилотининг, ҳар бир коммунистнинг роли яна ҳам масъулиятли ва юқори даражада бўлиши талаб этилмоқда.

Хўш, янги шароитларда бошланғич партия ташкилотларининг асосий вазифалари нималардан иборат? Бошланғич партия ташкилотлари масалаларни бевосита ҳал этишни ўз зиммаларига олишлари ва айни вақтда куч-ғайратларни йўналтириб, мувофиқлаштириб, бирлаштириб боришлари лозим. Коммунистлар, кадрлар, партия группалари ва цех партия ташкилотлари орқали коллективнинг социал активлигини жонлантириш даркор. Партия назорати орқали коллективларда кучғайрат авж олган муҳит яратиш, уларда рўй бераётган демократиялашнинг барча янги жараёнларига жўшқинлик бахш этиш зарур. Ана шу жараёнларга бошчилик қилганда коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлаш лозим бўлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумидан кейин республикамиз партия ташкилотлари вазиятни соғломлаштириш ва покланиш бўйича жиддий ишларни амалга оширдилар. Мақсад сари йўналганлиги жиҳатидан сермеҳнат бўлган кейинги йилларда очиқданочиқ юлғичлик қилган раҳбарлардан, чўнтагида партия билети бўлган замонавий бойваччалар ва ҳаддидан ошган амалпарастлардан, ҳар хил нопокликларнинг бошқа (авваломбор, партия сафларига суқулиб кириб олган) вакилларидан асосли равишда тозаланиш ишлари амалга оширилди.

Ишлар савиясини ошириш юзасидан партия ташкилотларига амалга оширган бошқа қатор тадбирларни ҳам айтиб ўтиш мумкин. Чунончи, 74 мингдан ортиқ коммунист ўз ўртоқлари олдида ҳисоб берди. Барча бўғинлардаги хўжалик раҳбарлари сайлаш йўли билан тайинланди. Одамларга берилдиган характеристикалар партия йиғилишларида ва бюро мажлисларида тасдиқланадиган бўлди. Кадрлар резерви ва партия сафларини тўлдириш резерви бўйича ишлар жонлантириб юборилди.

Сайлаб қўйилган партия органлари ҳисоботлари ҳам партия ташкилотлари ҳаётида муҳим босқич бўлиб қолаётирки, бундай ҳисоботлар бериш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси ҳисобот берадиган бўлажак пленумгача якунланади. Ҳисоботларни ўтказишдан мақсад партия аъзолари фаоллигини талаблар даражасида жонлантириш, улардан кўпчилигини сусткашлик ва фаолиятсизлик ҳолатидан қутултириш, коммунистларнинг бир-бирларига алоҳида талабчан бўлишлари ва чуқур ишонишларини барқарор қилишдан иборат эди. Ана шу мақсадга муайян даражада эришилди, аммо ҳали кўпгина долзарб вазифалар ҳал этилиши керак. Ҳисоботлар кўпгина партия ходимлари, коммунистларнинг кўзини очди. **Бугунги кунда принципиаллик ва яна принципиаллик ҳар қачонгидан ҳам зарур.** Очиқ-ошкоралик, ҳалоллик, иш манфаатлари устида чинакам партиявий ўртоқлик ўзаро муносабатлар нормаси, ҳар бир партия ташкилоти ҳаётининг ажралмас хусусияти бўлиб қолиши керак. Ҳар бир коммунист, барча партия ташкилотлари қайта қуришнинг иккинчи босқичида жанговарлик ва етукликнинг жиддий имтиҳонидан ўтишлари керак ва бу имтиҳонни ҳалол ҳамда очиқ-ошкоралик билан топшириш даркор. Бу—давр ва қайта қуриш талабларига муносибликни исботлаш имтиҳони бўлади. Бу имтиҳонни ишларни тўхтатмай, вазифаларни бажариш жараёнида топшириш керакки, зотан, эрваниш-терванишга, ҳаялланишга сира вақт йўқ.

Ана шундай шароитларда Марказий Комитет республикада бошланғич партия ташкилотлари жанговарлиги кўригини ўтказишга қарор қилди. Янгиликнинг қарор топиши жараёни революцион жараён каби кураш билан ўтади ва катта куч-ғайратни талаб қилади. «Қайта қуриш ҳақиқатан ҳам революциянинг давоми экан, — деб таъкидлади М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетида яқинда бўлиб ўтган учрашувда, — ҳозир биз чинакам революцион сиёсатни ўтказаётган экан-миз, бинобарин, кураш бўлиши муқаррардир». Ана шу ноантагонистик курашда бошланғич партия ташкилотларининг роли, уларнинг позицияси, янги вазиятларда тўғри ечимларни топа билиш қобилияти, қайта қуриш мақсадларига эришишда сабот-матонатли бўлиши, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини доимо ҳисобга олиб бориши, демократияни ривожлантириш ҳақиқатан ҳам буюк аҳамият касб этади. Бу ўринда гап коммунистлар қайта қуриш билан онгли равишда, сабот-матонат ва ақл-идрок билан шуғулланишлари тўғрисида бормоқда. Фарғона области базасида шу йилдан бошлаб юборилган жанговарлик кўриги бошланғич партия ташкилотлари ва коммунистлар фаоллигини оширишнинг муҳим формаси бўлиб қолади.

II.

Жанговарлик деган тушунча бошланғич партия ташкилотларига нисбатан қўлланганда, бу умумпартиявий ва умумдавлат манфаатлари позицияларида турган коммунистларнинг камчиликларга, хўжасизликка ва барча кўринишдаги салбий ҳолатларга нисбатан муросасиз бўлишлари маъносини билдиради. Амалий жиҳатдан олиб қараганда бугунги кунда бундай кўрик коллективнинг сиёсий ўзаги бўлган партия ташкилотларини актив ҳаракатга келтириш учун заруридир. Партия комитетлари ихтиёридаги бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишлар арсеналини қайта қуриш ва камчиликларга қарши кураш хизматига қўйилса-ю, бироқ бу ишга асосий бўғин—бошланғич партия ташкилотлари сафарбар этилмаса бош мақсадга эришиб бўлмайди.

Кўрикнинг асосий мақсади фан-техника тараққиёти асосида, интизом, тартиб ва уюшқоқликни мустаҳкамлаб, коммунистнинг юксак ижодий активлиги ва шахсан масъуллигини ошириш орқали социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришни таъминлашдан иборатдир. Кўрикнинг вазифаси — бу авваломбор — бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини, коммунистлар масъулиятини оширишга, КПСС XXVII съезди қарорларини, ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини бажаришда меҳнат коллективларида уларнинг ролини кучайтиришга қаратилгандир. Шу билан бирга ҳар бир партия ячейкасида ҳар бир коммунист ўзининг сиёсий ва ишчанлик сифатларини тўла намоён қиладиган, партия ташкилоти обрўсини мустаҳкамлашга, бутун коллектив ишини яхшилашга мумкин қадар кўпроқ ҳисса қўшишига имкон берадиган ахлоқий-психологик муҳитни яратиш ҳам шу вазифа сирасига киради.

Мазкур кўрик анъанавий комплекс текширишлардан нимаси билан фарқ қилади? Шуниси билан фарқланадики, бу ўринда юқори орган эмас, балки бошланғич партия ташкилотининг ўзи, коммунистларнинг ўзлари ташкилотчилик ишининг қарор топган шакл ва услублари асосида ўз фаолиятларини чуқур, манфаатдорлик билан таҳлил қиладилар.

Партия ташкилотлари, қоида бўйича, ўзларининг кундалик фаолиятларида эътиборлар билдириладиган ёки қолоқлар сирасига кирадиган коммунистларга алоҳида эътибор берадилар. Аммо «Ўртача» деб аталмиш коммунистларни кўпинча эсдан чиқариб қўядилар.

Бундан ташқари партия комитетлари ҳар доим ҳам ҳисобида коммунистлар оз бўлган партия ташкилотларига етиб бормайдилар. Ўтказиладиган кўрик эса ҳар бир партия ташкилоти фаолиятини комплекс равишда ва чуқур ўрганишни кўзда тутади. Ана шу ўрганиш вақтида барча коммунистларнинг, ҳар бир партия аъзосининг фикр-мулоҳазаларини, аниқса, қайта қуришга доир тклифларини ҳисобга олиш, чуқур ўрганиш жуда муҳимдир. Бошланғич партия ташкилоти партия ҳаётининг ленинча нормаларини ва принципларини қандай қарор топтираётгани, иш услуби ва усулларини қандай такомиллаштираётгани, ўз аъзолари жипслиги ва активлигига, коллективнинг меҳнат биографияси унинг анъаналарига қандай таъсир кўрсатаётганига баҳо бериш керак. Коллективда демократиялаш қандай авж олдирилаётгани, иқтисодий ислоҳот ривожланаётгани, фан-техника тараққиёти қандай авж олаётганида бошланғич партия ташкилотлари, коммунистлар қандай қатнашаётганлиги даражасини аниқлаш ҳам муҳимдир.

Кўрик комиссияларини шакллантиришга жуда пухта ёндашиш лозим. Бундай комиссиялар ҳар бир бошланғич, цех партия ташкилотларида тузилади ва уларга шаҳар ва район партия комитетларининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, партия комитетлари ва бюроларининг аъзолари, обрўли коммунистлар, партия ветеранлари киритилади. Комиссия состави муайян партия ташкилоти аъзоларининг сонига биноан белгиланади ва бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида, партия комитетлари, партия бюроси томонидан тасдиқланади. Кам сонли бошланғич партия ташкилотларида (10 кишигача) комиссия вазифалари 1—2 лияти хусусида ўз таклифларини айтади. Бу ўринда шуни унутмаслик керакки, ишга ёрдами тегадиган танқидий мулоҳаза ва таклифнинг бирортаси ҳам эътиборсиз қолмаслиги ва албатта, улар юзасидан конкрет тадбирлар қабул қилиниши шарт. Агар бирон бир коммунист партия ташкилоти ҳаётида етарли даражада актив позицияда турмаса ва унинг ишлаб чиқаришга ҳамда ижтимоий ҳаётга қўшаётган ҳиссасидан коммунистлар норози бўлсалар, бундай пайтларда комиссия ўша коммунистнинг ҳисоботини партия йиғилишида эшитишни таклиф қилади. Бу, муайян партия коммунистга юклатилади.

Ташкилий жиҳатдан кўрикни тайёргарлик даври ва икки босқичга ажратиш мумкин. Тайёргарлик даврида низом ва тавсиялар ишлаб чиқилади, — бу район ва шаҳар партия комитетларининг вазифасидир. Ҳисобот ва сайловларгача, яъни шу йил кузигача тамомланадиган биринчи босқичда кўрик комиссиялари ташкилотнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятини, қабул қилинган партия қарорлари, коммунистларнинг танқидий фикрлари ва таклифларини бажариш бўйича ташкилотчилик ишларини чуқур ва ҳар тарафлама таҳлил этадилар, коммунистларнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш активлигини, улар Устав талабларини қандай бажараётганликларини батафсил ўрганадилар.

Бу ўринда комиссия аъзоларининг коммунистлар билан ўтказадиган суҳбатлари энг муҳим жиҳат ҳисобланади. Суҳбатларда Устав талабларига қандай риоя этилаётганлиги, хизмат вазифаси қандай бажарилаётгани аниқланади. Бу ўринда ғап ҳар бир шахснинг бошланғич партия ташкилоти ва меҳнат коллективи ишларига қўшаётган шахсий ҳиссаси, коммунист ўз иш участкасида қайта қуришни қандай олиб бораётгани тўғрисида бораётир. Шу билан бирга ҳар бир коммунистнинг партия ташкилоти иши, камчиликларнинг сабаблари, уларни қандай қилиб тузатиш, партия иши самарадорлигини ошириш резервлари тўғрисидаги фикрларини ҳам билиш керак. Шунингдек, коммунист ўзига топширилган ишга қандай муносабатда бўлаётганлиги, ўзининг шахсий масъулиятини қандай ошираётгани билан ҳам қизиқиш лозим.

Суҳбатлашиш қоида бўйича ишдан ташқари вақтда ўтказилади.

Айтайлик, коммунист партия бюроси ишини танқидий баҳолайди, маъмурият фаолиятини ташкилотига сафарбар этувчи таъсир ўтказиши шубҳасиздир.

Партия ташкилоти фаолияти ўрганилиб, суҳбатлар бўлиб ўтгач, кўрик комиссияси батафсил характеристика тайёрлайди. Унда партия ташкилотининг активлиги ва меҳнат коллективида тутган обрў-эътиборига баҳо берилади. Айни шу характеристикада ташкилот жанговарлигини ошириш йўллари ва воситалари белгилаб берилади ва буларнинг ҳамма-си коммунистлар муҳокамасига қўйилади. Кўрик комиссияси раиси доклад билан чиқадиган очиқ партия йиғилишида масала кенг танқид ва ўз-ўзини танқид, эркин ва ишчан фикр алмашиш вазиятида ўтиши лозим. Бундай қилиш партия ташкилоти жанговарлигини оширишга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради. Йиғилишда тасдиқланган тадбирлар партия ташкилотининг барча йўналишлар бўйича қиладиган ишининг конкрет марраларига эришишни таъминлаши даркор.

Агар умумлаштириб айтиладиган бўлса, кўрикнинг биринчи босқичи комиссия тузиш, унинг партия ташкилоти фаолиятини таҳлил қилиши, ҳар бир коммунист билан суҳбатлашиши, бошланғич партия ташкилотига бериладиган характеристика лойиҳасини тузиш, жанговарликни ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш, уни ва характеристикани очиқ партия йиғилишида муҳокама қилишдан иборат бўлади.

Шундай қилиб, тасдиқланган тадбирларни амалга ошириш, характеристикани эса оқлаш керак бўлади. **Бу ўринда ижрони ташкил этиш программани бажаришнинг ҳал қилувчи шартидир. Худди ана шу — жанговарлик кўригининг иккинчи босқичидир.** Партия комитетлари ва бюролари ишлаб чиқилган тадбирлар қандай бажарилаётганлигини мунтазам равишда таҳлил қилиб турадилар, уларга ўзгартишлар киритадилар, коммунистларни хабардор қилиб борадилар, партия активининг кўрик билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганишини таъминлайдилар ва маслаҳатлар берадилар. Хўжалик раҳбарлари эса ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятидаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар қандай самара бераётганлигини ўрганадилар ва бу ҳақда вақти-вақти билан партия комитети ва партия бюросида ахборот бериб турадилар. Партия ташкилоти эса белгиланган барча тадбирларнинг бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминлашга бурчлидир. Бунда партия ташкилоти партия йиғилишлари ва сайлаб қўйилган органлар, меҳнат коллективлари мажлисларидан ошкора, кенг кўламда фойдаланиши, шунингдек, кўп тиражли ва деворий газеталар, радио эшиттириш имкониятларини ишга солиши даркор.

Кўрик якунларини очиқ партия йиғилишларида ва район ҳамда шаҳар партия комитетларининг бюроларида муҳокама қилиш партия ташкилотларида ўтадиган навбатдаги ҳисобот ва сайловларнинг бошланишига тўғри келади.

III.

Ўтган йил якунлари шуни кўрсатдики, анчагина яхши ўзгартишларга эришилган бўлса ҳам умуман олганда республика саноати, қурилиши ва агросаноатидаги ишлар қаноатланарли эмас. Социал программаларнинг бажарилмаётганлиги, хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги ишларнинг аҳволи ташвишланарлидир... Бу нимадан далолат беради? Бу кўпгина тармоқлар, бирлашмалар, хўжаликлар партия ташкилотларининг бўшанглиги, жанговар эмасликлари оқибатидир. Бошланиб кетган кўрик ҳамма жойда, барча тармоқларда ишларнинг аҳволига принципиал таъсир ўтказишга, меҳнат коллективларининг сиёсий-иқтисодий, социал ва маънавий ҳаётига, улардаги ахлоқий-психологик муҳитга самарали таъсир ўтказишга даъват этилгандир.

Республикамизда жанговарлик кўригини ўтказишга илгари уриниб кўрилган эди. Бироқ бир қатор коммунистлар, партия комитетлари, партия ташкилотларининг бу муҳим ишга расмий муносабатда бўлганликлари, унинг сиёсий аҳамиятига етарли баҳо бермаганликлари оқибатида кўрик барбод бўлди. Ҳозир бутун республикада жанговарлик кўригини ташкил этиш бошлаб юборилган бир пайтда ана шу салбий ҳолатни эслатиб ўтиш муҳимдир. Ахир ишнинг муваффақияти кўрикни ўтказишга шаҳар ва район партия комитетлари қай даражада принципиал ёндашишларига, кўрикни область партия комитетлари чинакамига қўллаб-қувватлашларига, ниҳоят партия комитетлари ва партия бюролари, бошланғич партия ташкилотлари секретарлари уюшқоқлик ва мақсад сари астойдил интилиш кўрсатишларига боғлиқдир.

Фарғона области базасида кўрикнинг бошланиб кетганлигини юқорида айтиб ўтган эдик. Республика областлари шаҳар ва район партия комитетларининг иккинчи секретарларидан иборат группа маҳаллий ўртоқлар билан биргаликда ўша ерда амалда биринчи босқич вазифаларини бажаришга киришдилар. Улар тажриба орттириб, ўз иш жойларига қайтгач, шаҳар ёки районда жанговарлик кўригини ташкил этиш ишига киришадилар.

Газетада «Партия турмуши: бошланғич ташкилотлар жанговарлиги кўриги» рубрикаси жорий қилинади. Газетхонлар ўрганиб қолган иккинчи бетда жойлашадиган бу рубрика остида вақти-вақти билан мақолалар, подборкалар, республика партия ташкилотларида кўрик қандай ўтаётганлиги тўғрисида шарҳли репортажлар эълон қилиниб турилади. Биз ана шулар ҳақида газетага ёзишни лозим топган, тажрибаси билан ўртоқлашмоқчи бўлган, камчиликларни танқид қилиш ва ўз фикр-мулоҳазаларини айтишни хоҳлаган барча газетхон-авторларни жанговарлик кўриги муваффақиятли ўтишига кўмаклашишга чақирамиз.

Ушбу материални газетага тайёрлашдан олдин биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимида темани қанчалар яхши ёритиш хусусида маслаҳатлашдик. Маслаҳатдошларимиз мазкур кўрик навбатдаги кампания эмаслигини, балки социал-иқтисодий ва ғоявий-тарбиявий ишлар комплексининг долзарб масалаларини ҳал этишда партия ташкилотлари жанговарлигини оширишнинг воситаси эканлигини газетхонлар эътиборига етказишни илтимос қилдилар. Бу ўринда ўйлаб, пишиқ-пухта ҳаракат қилиш, шошма-шошарликка йўл қўймаслик керак.

Бу ишларнинг ҳаммаси партиянинг обрўсини оширади. Бинобарин, қайта қуриш тақдирига самарали таъсир кўрсатади. Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган докладида Михаил Сергеевич Горбачев шундай деб уқтирди: «Партия ролининг кучайиб бориши — қонуниятли жараён... Бу ролни жамиятдаги ишларнинг бориши учун барча партия ташкилотлари ва ҳар бир коммунистнинг масъулиятини ошириш белгилаб беради... Аммо қайта қуришга партиявий таъсир ўтказиш потенциали ҳали тўла-тўкис ишга туширилган эмас».

РУС ТИЛИНИ ЎРГАНАРДИМ МЕН...

Ушбу сатрларни ёздим-у, ўйланиб қолдим. Менинг кўпгина юртдошларим ана шу сўзларни рус тилида ёза оладиларми?

Ҳарбий қисмлардан бирига яқинда қилган сафаримни эслайман. Шаҳарча территорияси бўйлаб сайр қилдим. Солдатларнинг ҳаёти, турмуши, дам олиши билан танишдим. Уларнинг зерикмаётганликлари, ўзларини дадил, хурсанд ҳис этаётганликлари шундоқкина билиниб турибди. Ана, менинг юртдошларим. Кўзлари ғамгин, бошқаларга қўшилмасдан четда хомуш туришибди.

Хўш, нима бўлди, сўрадим улардан ўзбекчалаб. Улар нима деб жавоб беришларини билишмасди. Кейин эса зерикяпмиз, рус тилини яхши билмаймиз, командир бундан хафа бўлади, нега ҳазилни тушунмайсизлар деб, ўртоқларимиз биздан кулишади, шу сабабли ўзимиз она тилимизда гапириш учун йиғилишамиз, дейишди.

Ҳа, йиғитларга ҳарбий хизмат давомида унинг ўзига хос хусусиятларини ўзлаштириш осон бўлмайди. Шу боис нима учун бизнинг республикамизда ёшлар рус тилини ёмон биладилар, деган қонуний савол туғилади. Ахир, бугунги кунда миллатлараро алоқа тилини ўзлаштириш совет халқи деб аталмиш ягона бирликни ташкил этувчи барча миллатларнинг тўлақонли ривожланиши учун сўзсиз шарт эканлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ-ку.

Миллий мактаблар ўн йиллик программасида рус тилини ўрганишга 1800 ўқув соати ажратилади. Шунга қарамасдан тилни ўзлаштириш муаммоси ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Олимлар Ўрта Осиё республикаларида социологик тадқиқотлар ўтказиб, регион туб аҳолисининг атиги учдан бир қисмигина рус тилини билади, деган хулосага келдилар.

Биз юксак минбарлардан туриб миллатлараро алоқа тилини чуқур ўрганиш зарурлиги тўғрисида жуда кўп марталаб гапирдик. Бутуниттифоқ ва республика конференциялари ўтказдик. Маҳаллий нашриётлар кўплаб рисолалар чиқарди. Сал-пал силжишларни улкан муваффақиятлар деб атадик. Бундай муваффақиятлар қўлга киритилмаган жойларда «яхши ният» деб кўрсаткичларни бузиб талқин қила бошладик. Мисолларга мурожаат этайлик. 1970 йилги Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, ўзбекларнинг 14,5 процанти рус тилида бемалол гаплашган. Орадан тўққиз йил ўтгач бу рақам бирданига 49,3 процентга «сакраб» кетди. Ушбу «муваффақият»га изчил, сабот билан қилинган меҳнат билан эмас, балки маълумотларга киритилган «тузатишлар» орқали эришилди. Рус тилида бемалол сўзлашадиганлар қаторига ўрта маълумотли ёшларнинг ҳаммаси, шунингдек, ишлаб чиқариш ва техника билан боғланган кишилар, шу жумладан, малака разрядига эга бўлган шофёрлар, механизаторлар ўз-ўзидан қўшиб юборилди.

Карнай-сурнайлар ва ғалаба рапортларининг шовқин-сурони жамоатчилик диққат-эътиборини мазкур муаммога қаратишга уринган мутахассисларнинг журъатсиз овозларини кўмиб кетди. Бундаги «қўшиб ёзишлар» ҳозир ҳаммага яхши таниш бўлган «пахта иши»даги кўпиртирилган рақамлардан кам зарар етказгани йўқ. Биз қўлдан бой берилган йиллар туб миллат вакиллари ичидан юқори малакали мутахассислар ва ишчиларни ўзимизда, айниқса, республикамиздан ташқарида тайёрлашда машъум роль ўйнаганлигини, кенг халқ оммасининг Ватан ва жаҳон маданий бойликларидан бахраманд бўлишларини қийинлаштирганлигини, булар эса миллий биқиқликка ва бошқалардан ажралиб яшашга, диндорлар сонининг ўсишига олиб келиши мумкинлигини қайд этишга мажбурмиз.

Хуллас, рус тилини ўқитиш масаласини жиддий равишда қайта қуриш зарур. Бунда жамиятимизни янгилаш жараёнларига тўла-тўкис жавоб берувчи янги, бир хилда бўлмаган форма ва методларни ишлаб чиқиш, изчил, сабот билан иш олиб бориш талаб этилади. Шубҳасиз, миллий мактаблар учун ўқитувчилар тайёрловчи олий ўқув юртлари ўз сўзини айтиши лозим. Ҳозирги пайтда миллий потокларда ўқитувчилар тайёрлаш мактаб ислоҳоти вазифаларига ва олий мактабни қайта қуриш талабларига жавоб бермайди. Тошкент область партия комитети қабул қилган қарорда бу ишнинг аҳволига ана шундай баҳо берилди.

Бугунги кунда республика рус тили ва адабиёти институти студентларининг бешдан бир қисми лекциялар сифатидан, тўртдан бир қисми эса семинар машғулотларидан қониқмоқда, холос. Бунга дарсликларнинг етишмаслиги, методик қўлланмаларнинг камлиги, лингафон кабинетларида яккама-якка машғулотлар олиб бориш учун шарт-шароитларнинг йўқлигини қўшинг. Ўқув жараёнларини ташкил этишдаги нуқсонлар шундай ҳайратомуз ҳодисаларга олиб келмоқдаки, улар кишини ташвишга солмай қўймайди. Студентлар, таниқли совет ёзувчиларидан кимлар Тошкентда яшаган ва ишлаган, деган саволга жавоб бера туриб, Ўзбекистонда умуман бўлмаган адабиёт намояндаларидан ташқари Будённий ва Фрунзени ҳам кўрсатганлар.

Бундай чаламулла мутахассислар дипломни қўлга киритгач, рус тили ва адабиёти дарсларини... ўзбек тилида олиб боришади. Мактабларда рус тили кунлари ҳам ўтказилмайди.

...Мен республиканинг таниқли олимларидан бири, ўзининг асосий мутахассислиги филологиядан анча нари бўлган киши билан яқиндан танишман. Ҳамма вақт унинг рус поэзиясини чуқур билишидан ҳайратланиб келаман. Бир тупканинг тагидаги қишлоқда воя-га етган, аниқ фанлар бўйича мутахассис бўлган бу кишида рус классикасига бундай муҳаббат қандай пайдо бўлган? Маълум бўлишича, бу муҳаббатни унга рус ўқитувчиси сингдирган экан. Яқин-яқинларгача миллий мактабларда бошқа жойлардан келган ўқитувчилар дарс беришарди. Афсуски, кейинчалик маҳаллий миллат кишилари орасидан, рус сўзлашув нутқидан ҳатто озгина бўлса ҳам кўникмага эга бўлмаган, бир тилда сўзлашувчи кишилар ичида катта бўлган, узоқ районларда яшовчи ёшлар ўртасидан педагоглар тайёрлашга ўтиб олинди. Бу студентлар барибир ўқув йиллари мобайнида рус тилини тўла-тўкис эгаллаб ололмайдилар.

Рус тили кунларини мунтазам равишда ўтказиш, олимпиадалар уюштириш, уларнинг ғолибларини эса педагогика олий ўқув юртларига тавсия қилиш лозим. Областимизда кадрлар малакасини ошириш мақсадида ўқитувчиларни навбатдан ташқари аттестациядан ўтказишга қарор қилинди. Айни пайтда Тошкентдан педагогларни қишлоқ мактабларига, ҳунар-техника билим юртларига юбориш, уларни барча уй-жой-маиший шарт-шароитлар билан таъминлаш мўлжалланмоқда.

Рус тилини ҳам, миллий тилларни ҳам ўргатадиган тўгараклар, курслар вужудга келтириш зарурати етилди. Чунки, республикада икки тиллиликнинг интернационал принципи мустаҳкам қарор топмоқда. Бу тиллар фақат диалектик бирликдагина муваффақиятли ривожланиши мумкин. Хўжалик ҳисобида ишловчи, керакли моддий-техника базасига эга бўлган Тиллар уйи рус, ўзбек ва чет тилларни ўрганишнинг ҳам методик, ҳам илмий маркази бўлиши мумкин.

Рус тилини ўрганишни такомиллаштириш — энг аввало, умумпартиявий, умуммиллий вазифадир. Бу Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қарори билан қабул қилинган «Рус тили» комплекс программасида алоҳида таъкидланган. Шундай программа бизнинг областимизда ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Э. ФОЗИЛОВ,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг секретари.

(«Советская культура», 1988 йил 21 январь).

ХАЛҚҚА — КЕНГ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ

МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

«Андижанкабель» заводининг биринчи навбати 1985 йили фойдаланишга топширилди. Меҳнат коллективи тезда уюшиб, қувонарли натижаларни қўлга киритмоқда. Ишлаб чиқариш суръатларининг ошиши айниқса ёқимлидир. Янги маҳсулотлар тайёрлаш йўлида тинмай изланилмоқда.

Ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йили муваффақиятли якунланди. Топшириқдан ташқари 46 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу эса 1988 йилни яхши кайфият билан бошлашга замин яратди.

Корхона техника кенгашининг қарорига кўра кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича алоҳида участка ташкил этилди. Бу участкада замонавий машиналар ўрнатилган. Ўтган йили ўн бир хил маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилди. Бу йилнинг меҳнат календари ҳам янги турдаги маҳсулот тайёрлашдан бошланди. Уларнинг иккитасн хотин-қизлар учун аталган. Бежирим зирак, тақинчоқлар ишлаб чиқарилмоқда. Автомобиль ҳайдовчилар учун эса тормоз қурилмасининг қисмини тайёрлаш йўлга қўйилди.

Янги участкада комсомолёшлар айниқса зўр ғайрат билан ишлашмоқда. Улар қайта қуриш талабига мос иш юритишмоқда. Кунлик графикларни ошириб бажариш уларнинг шнорига айланган.

Суратда: комсомол аъзоси Н. Шарипова станокни моҳирлик билан бошқармоқда.

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми соғлиқни сақлаш системасида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Жиззах областидаги сил касалликларига қарши Зомин район диспансерининг бош врачи ўртоқ Миромон Мирзияевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет, комсомол ва қишлоқ хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Бухоро область Олот район комитетининг биринчи секретари ўртоқ Жаҳон Жамоловни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Соғлиқни сақлаш—«Совет Ўзбекистони» назоратида

Ҳар бир инсон учун, шунингдек жамият учун ҳам саломатликдан қимматроқ нарса йўқ. Кишиларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза этиш ва мустаҳкамлаш—ғоят муҳим ишдир.

(Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди материалларидан).

ДОРИШУНОСЛИК ОДИМЛАРИ

Россиянинг чекка ўлкаларидан бири ҳисобланган Туркистонда дастлабки дорихона 1874 йилнинг май ойида Тошкентда очилган эди. Кейинчалик унинг сони секин-аста кўпая борди. Инқилобга қадар Ўзбекистонда эллиққа яқин дорихона бўлиб, бундай маскан эгаларининг аксарияти фармацевт эмас, балки савдогарлар эди. Дорихоналар, асосан, катта шаҳарларда жойлашгани сабабли қишлоқ аҳолиси дори-дармон сотиб олишдан деярли маҳрум бўлган.

Совет ҳокимияти йилларида аҳоли талаб-эҳтиёжларига кўра медицина хизмати кўрсатиш ишлари беқиёс ўса борди. Кўплаб даволаш муассасалари, касалхоналар, поликлиникалар ва амбулаториялар қурилди. Республикамизда инқилобдан аввал минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритган юқумли касалликлар батамом тугатилди. Аҳолини дори-дармон билан таъминлаш ишлари яхшиланди. Дорихоналарда тайёрланадиган дорилар-нинг сифати ҳам анча ошди.

Қишлоқларда аҳолига дорихона хизматини яхшилаш, даволаш муассасаларининг тармоқларини кенгайтириш соҳасида ҳам катта ишлар қилинди. Ҳозир республикамизда 160 га яқин марказлаштирилган район дорихонаси бўлиб, уларга 1357 қишлоқ дорихонаси бириктирилган. Дала меҳнаткашларига, узоқ отарлардаги чорвадорларга хизмат қилиш учун областлардаги дорихона бошқармалари ҳузурида юздан зиёд махсус автодорихона ташкил этилган.

Кейинги йилларда аҳолига дори-дармон билан ёрдам кўрсатишнинг янги, илғор усуллари кенг қўлланила бошланди. Шифокорлардан бемор учун телефон орқали дори тайёрлашга буюртма қабул қилаётган, кексалар, ёлғиз ва оғир беморларнинг дорисини уйига элтиб берётган, савдо залида «справка бюроси» ташкил қилинган дорихоналар оз эмас.

Бироқ «СССР аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилишни ривожлантириш ва соғлиқни сақлаш қайта қуришнинг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»да таъкидлаб ўтилганидек, даволаш-профилактика муассасалари медицина асбоб-ускуналари, дори-дармон, анжомлар ва бемор парваришига тутиладиган буюмлар билан дуруст таъминланмаган.

Дарҳақиқат, республикамиз дорихона бошқармаларида даволаш-профилактика муассасалари ва аҳолининг дори-дармонга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш ишларида хатоликларга йўл қўйиляпти. Навоий, Сирдарё ва Тошкент областларида битта дорихонага тўққиз мингдан зиёд киши қараса, Бухоро, Қашқадарё, Наманган ва Фарғона областларида эса битта дорихона ўн бир мингдан ортиқ аҳолига хизмат қилади.

Бундан ташқари республикамиздаги кўпгина дорихоналар мосланмаган ва ҳатто авария ҳолатидаги биноларга жойлашган. Улар капитал ремонт, реконструкция қилинишга муҳтож, марказий иситиш системаси, водопровод, канализация иссиқ сув билан таъминланмаган. Кўпгина дорихоналар ишлаб чиқариш хоналарининг майдони нормадагидан анча кам, атиги 30-60 процентни ташкил қилади. Айримлари эса асептик шароитларда дори-дармон тайёрланадиган хоналарга эга эмас. Дорихона омборларини қуриш суръати ҳам жуда паст. Махсус аппаратлар, дистилляторлар, рефрактометрлар, суюқликни фильтрловчи, қадоқловчи аппаратлар, ускуналар, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш воситалари етишмайди.

Кези келганда шуни айтиш керакки, қишлоқ аҳолисини дори-дармон билан таъминлаш ишларида ҳам талай камчиликлар мавжуд. Қишлоқ дорихоналарининг иш режими меҳнаткашларнинг иш вақтига тўла мослаштирилган деб бўлмайди. Марказий район дорихоналаридан олис ерларда жойлашган аҳоли ва чорвадорларни дори-дармон билан таъминлайдиган автокиоскалар етишмайди.

Дорихона муассасаларини малакали фармацевт кадрлар билан таъминлашга Тошкент фармацевтика институти самарали ҳисса қўшмоқда. Ўтган йиллар ичида институт тўққиз мингдан зиёд олий маълумотли фармацевт-провизорлар тайёрлаб чиқарди. Бироқ булар ҳали етарли эмас. Кадрлар танқислиги жойларда жуда сезилмоқда. Ўзбекистон дорихона муассасаларини фармацевт кадрлар билан таъминлашда бошқа қардош республикалардан орқада қолмоқда.

Келажакда фельдшерлик-акушерлик пунктлари қишлоқ аҳолисига малакали медицина ёрдами кўрсатишда ҳамда санитария-профилактика ишларини олиб боришда муҳим роль ўйнайди. Бу вазифани бажаришда эса фельдшерлик-акушерлик пунктлари қошида ташкил қилинадиган дорихона пунктларининг аҳамияти каттадир. Аммо шу кунгача беш юздан ортиқ фельдшерлик-акушерлик пунктларида дорихоналар ташкил қилинмаган. Ишлаб турганларида эса дори-дармон ва медицина анжомларининг турлари етарли эмас. Бу нуқсонларни йўқотиш учун дорихона ва даволаш-профилактика муассасалари ўртасидаги алоқани, дори-дармонга бўлган эҳтиёжни планлаштириш комиссиялари ишларини такомиллаштириш талаб қилинади.

Тошкент фармацевтика институтида Ўзбекистон доривор ўсимликларини ўрганиш, янги хил дориларни яратиш, доривор моддаларни текширишнинг янгича усулларини ишлаб чиқиш борасида қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Афсуски, бу ишларнинг аксарияти фармацевтика практикаси социал буюртмаси бўйича олиб борилмайди. Тадқиқотларнинг натижалари суст жорий қилинмоқда.

Шифокор ва фармацевтга энг азиз нарса — совет кишиларининг ҳаёти, соғлиғи ишониб топширилган. Бироқ дорихона ходимлари орасида ўз вазифасига бепарво қарайдиган, дорихонага нажот истаб келган беморларга қўпол муомала қиладиган ҳамкасабаларимиз ҳам учраб туради. Ваҳолонки, оқ халатли кишилар ўз касбининг аҳамиятини англайдиган, софдил, виждонли бўлиши керак.

Э. ТОШМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон фармацевтика илмий жамияти правленнесининг раиси, фармацевтика фанлари доктори, профессор.

ГАЗЕТХОН: МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАДИ:

Яна кўра бошлади

Кичик ўғлим Мизробжоннинг кўзига тўсатдан темир парчаси тушиб, кўрмай қолди. Боламнинг келажаги мени қаттиқ ташвишга солди. Наҳотки ёшликдан кўр бўлиб қолса. Район, область шифокорларига мурожаат қилдик, аммо нажот бўлмади. Охири ўғлимни Самарқанд давлат медицина институтининг кўз касалликларини даволайдиган клиникасига олиб бордик. Шифокорлар бизни илиқ кутиб олишди, тасалли беришди. Бундай пайтларда энг зарур муолажа шифокорнинг ширинсуханлиги эканига амин бўлдим.

Жарроҳ Р. Йўлдошевнинг айтишича, темир парчаси кўзнинг жуда чуқур қисмига тушган экан. Мураккаб операция узоқ давом этди. Болагинамни қутқариб қолишди. Унинг кўзлари қайтадан кўра бошлади. Нажоткоримизга чин дилдан миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

М. РАҲМОНОВА,
Бухоро области.

МУЛОҲАЗА БИЛДИРАДИ:

Олдини олайлик

Дард келса бир йўла келар экан. Ўғлимиз Адҳамжон Умаров юқумли сариқ касали билан оғриб, Ўзбекистон район марказий шифохонасига келтирилди. Шифокор Р. Жўраевнинг ҳамма беморлар сингари бизнинг фарзандимизни ҳам ўта синчковлик билан даволагани туфайли унда ошқозон-ичак хасталиги борлиги ҳам аниқланиб, дарҳол шифохонанинг хирургия бўлимига ўтказилди. Шифокорлар уни операция қилдилар. Ҳаммаси яхшилик билан тугади. Ўғлимизни яна юқумли касалликлар бўлимига ўтказиб, муолажани давом эттиришди.

Бироқ мени ўйлантирадиган нарса бошқа. Кейинги йилларда республикамизда сариқ касаллиги билан оғриган беморлар сони ортса ортяптики, камаймаяпти. Айниқса, мазкур хасталикнинг болалар орасида кенг тарқалгани, кўпчилик шу касаллиқдан азият чекаётгани аниқ. Сариқ хасталиги кўп ҳолларда шприцлардан юқаётгани сир эмас. Бундан ташқари мутахассисларнинг таъкидлашича, юқумли гепатитнинг оғир формаси бу сариқнинг қонда бўладиган «В» формаси экан. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш иши тобора такомиллашиб бораётган айни пайтда наҳотки бир дарддан фориғ бўлиб иккинчисига йўлиқаверса киши?!

Мен газета орқали шу соҳанинг мутахассислари, соғлиқни сақлаш муассасаларининг мутасадди раҳбарларига мурожаат қилмоқчи эдим. Юқумли сариқ касаллиги тарқалишининг олдини олиш чораларини кўриш, зарур тадбирлар қўлланишни кечиктирмаслик лозим. Аксҳолда республикамизда болалар ўлими даражаси камаймайди.

Н. УМАРОВ,
Фарғона области.

БОЛА СОҒЛОМ—ОНА БАХТИЁР

Тузумимизнинг болапарварлиги шундаки, бизда ҳамма яхши нарсалар порлоқ келажагимиз эгалари — фарзандларимизга аталган. Фарзандларимиз медицина ходимларининг доимий назорати остида вояга етмоқда. Бемор болаларга қараш учун оналарга икки ҳафтагача касаллик варақаси бериш ҳақидаги қарор қабул қилингани ҳам давлатимизнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўлидаги яна бир ғамхўрлиги тимсолидир.

Тошкентдаги Педиатрия илмий-тадқиқот институтида физиотерапия ва даволаш физкультураси бўлими ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Бу ерда болалар асосан дори-дармонларсиз даволанадилар. Ваҳолонки, айрим касалликларни ана шу йўл билан муваффақиятли даволаш мумкинлиги ҳақида қатор илмий хулосалар мавжуд.

— Массаж, даволаш гимнастикаси — энг қулай ва жуда фойдали даволаш усуллари, — дейди бўлим мудири, медицина фанлари кандидати С. Эргашхўжаев. — Танага массаж орқали турли хил дори-дармонлар, витаминлар сингдирилади. Улар касалманд болаларга куч-қувват бағишлайди, асаб системаларини тинчлантиради. Масалан, кўкрак қафасини массаж қилиш ўткир пневмония, сурункали астма ва бошқа шамоллаш касалликларини даволашга яхши ёрдам беради. Турли хил дорилардан аллергияси бўлган болаларга бу усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бўлимдаги бассейн, церкуляр душ, массаж хоналарида фарзандларимиз соғлиқларини тиклашлари учун ҳамма шароитлар муҳайё. Даволаш физкультураси машғулотларини ўтказиш хоналари зарур анжомлар билан жиҳозланган. Бемор болалар хасталиқдан буткул фориғ бўлиши, улар организмини чиниқтириш мақсадида шифокорлар ёрдамида махсус бадантарбия машғулотлари ўтказилади. Бўлимда даволанувчиларнинг овқатланиш режимига, унинг хилма-хиллигига, сервитаминлигига алоҳида эътибор берилади.

— Қизим тез-тез шамоллаб, касалга чалинадиган бўлиб қолувди, — дейди Аҳмадхон опа. — Ҳозир иштаҳаси яхши. Вақтида массаж оляпти, физкультура билан шуғулланяпти. Даволовчи шифокорлар, ҳамширалар ширин сўз, ўз ишининг билимдонлари. Ҳаммаси яхши-ю, фақат... Қизим церкуляр душга тушиши керак эди, бироқ уни бирон марта ҳам ололмади. Суриштирсам, шу хонадаги аппаратларни ишлатадиган ҳамширанинг тоби йўқ экан. Қизиғи шундаки, уни бошқа ҳеч ким ишлата олмас экан...



Бошқа беморлар ҳам шу каби фикр-мулоҳазаларни билдиришди. Ҳар томонлама қулай, барча шароитлар яратилган бу жойда айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Айниқса, штатларнинг чекланганлиги ишга салбий таъсир кўрсатяпти. Айни пайтда ушбу шифохонани замонавий аппаратларни ишлата биладиган мутахассис кадрлар билан мустаҳкамлаш ва унинг моддий-техника базасини такомиллаштириш даволаш ишларини янада ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир.

М. ОБИДОВА.

Суратларда: (чапда) медицина фанлари кандидати С. Эргашхўжаев раҳбарлигида массажистка М. Раҳматуллаева бемор болани массаж қиляпти. (Ўнгда) Велоэргометрия хонасида эса турли жисмоний ҳаракатлар натижасида бемор болаларнинг юрагида бўладиган ўзгаришлар аниқланади.

В. МОЛҒАЧЕВ фотолари.

ДИСПАНСЕР КЎРИГИГА ЮЗАКИ МУНОСАБАТ

«СССР аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилишни ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни қайта қуришнинг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»да қайд қилинганидек, профилактика совет соғлиқни сақлаш системасининг бош йўли ва асосий принципидир. Бу принцип инсоннинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби комплекс тадбирларни ўз ичига олади.

Профилактика тадбирлари орасида аҳолини ялпи диспансер кўригидан ўтказиш муҳим ўрин тутади. Ҳар йили медицина текширувидан ўтиш касалликларни барвақт аниқлаш, беморларни ўз вақтида даволаш ва соғломлаштириш чораларини кўриш имконини беради.

Хоразм области соғлиқни сақлаш органлари ялпи диспансерлашга тараддуд кўриш ва уни ўтказиш соҳасида қатор тадбирларни амалга оширдилар. Урганч шаҳрида, сакксита районда профилактика бўлимлари ишлаб турибди. Улар диспансер кўриги ўтказиш билан боғлиқ ҳамма ишларнинг маркази ҳисобланади.

Профилактика ва даволаш муассасаларида аҳолини ҳисобга олиш бўйича шахсий картотекалар ташкил қилинган. Лаборатория анализлари, мутахассис шифокорларнинг хулосалари, рентген кўриги, электрокардиограмма натижалари, бошқа маълумотлар ўша картотекаларда акс эттирилади. Бу тартиб комплекс профилактика кўригини планлаштириш ва ўтказишда, ҳисоб юритиш ва назоратни тўғри уюштиришда муҳим роль ўйнайди. Ўтган йил декабрида область соғлиқни сақлаш бўлимида диспансерлаш бўйича махсус бўлим ташкил этилди.

Кейинги икки йил мобайнида аҳолини ялпи диспансер кўригидан ўтказиш программасининг бир қисми амалга оширилиб, анча тажриба тўпланди. Ўтган йили 477 минг киши ялпи диспансер кўригидан ўтказилди. Бу белгиланган планнинг 81,7 процентини ташкил этади. Муҳимч шундаки, кўрик натижасида турли касалликларга чалинган беморлар аниқланди. Бироқ икки йил ичида планда кўзда тутилган 167 минг киши диспансер кўригидан ўтмай қолди.

Соғлиқни сақлаш органларининг раҳбарлари эса бу ҳолни аҳоли қишлоқ хўжалик ишлари ва йиғим-терим кампаниясида банд бўлганлиги билан изоҳлашга уринишди. Инсон саломатлиги муҳофазаси билан боғлиқ бўлган ва йил давомида ўтказилаётган барбод берилишига мавсумий ишларни пеш қилиш ўринли эмас. Баҳона излашдан кўра, омилкорлик кўрсатиш, имконият топиш лозим эди.

Айрим районларда диспансер кўриги вақтида рўйхатга олинган беморларни соғломлаштириш кўрсаткичлари ниҳоятда паст. Хонқа районида касаллиги аниқланган кишиларнинг 28,8, Қўшкўпир районида 39,9, Дружба шаҳрида 44, Хива районида 53,3 процентигина соғломлаштирилганлигини мутлақо нормал ҳол деб бўлмайди. Бу инсон тақдирига лоқайдлик билан қарашдан бошқа нарса эмас. Даволаш ва соғломлаштиришни кейинга суриш касалликнинг газак олишига, хавфли оқибатларга олиб келишига сабаб бўладику, ахир.

Аҳолини диспансер кўригидан ўтказиш жараёнида соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базаси замонавий талабга жавоб бермаслиги сезилиб қолди. Область стационарларида, районлардаги марказий шифохоналарда ўринлар сони оз. Йўлланма олган беморлар эса навбат кутиб, маҳтал бўлишмоқда. Қишлоқ врачлик амбулаториялари, фельдшерлик-акушерлик пунктларининг кўп қисми мослашмаган биноларда жойлашган. Гурлан, Янгибозор, Янгиариқ районларида бинолар, мутахассис кадрлар етишмаслигидан диспансер бўлимларини ташкил қилиш пайсалга солинмоқда.

Бундан ташқари областда санаторий-профилакторий шохобчаларини ривожлантиришга ҳам етарли эътибор берилмаётир. Ахир, ҳозир санаторий-профилакторий, спорт-соғломлаштириш иншоотлари, дам олиш зоналари барпо этиш давр талабику. Тўғри, бу соҳада Шовот районидаги Чкалов номли колхоз, «СССР 60 йиллиги» совхози, Урганч районидаги Калинин номли колхоз, қатор илғор корхоналар ташаббуси ибратли. Бироқ бу ташаббусга кенг қанот бағишлаш, моддий имкониятлардан кишилар соғлиғини мустаҳкамлаш йўлида янада самарали фойдаланиш зарур.

Кези келганда шуни айтиш керакки, область медицина муассасаларида олти юз шифокор, бир ярим мингга яқин медицина ходимлари етишмайди. Ьуларнинг бари аҳолини диспансер кўригидан ўтказишга талай қийинчиликларни вужудга келтирмоқда.

Тиббий хизмат кўрсатишда юз берётган жиддий камчиликлар, етилган муаммолар область соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарларига, унинг мудири А. Қурбонбоевга яхши маълум. Бироқ нуқсонларни бартараф этишда қатъиятлик ва ташаббус, изчил ҳаракат етишмаётир.

Социал ривожланишнинг муҳим соҳаси бўлмиш инсон саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи билан чинакамига шуғулланиш, бу мақсад йўлида давлат, корхона ва бирлашмалар, колхозларнинг маблағидан кенг фойдаланиш зарурлигини ҳаёт тақозо этмоқда. Соғлиқни сақлаш органларига партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари яқиндан амалий ёрдам берсалар эди, муаммоларни ҳал этишни тезлатиш мумкин. Бироқ Гурлан, Янгибозор, Қўшкўпир ва Янгиариқ районлари партия, совет ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари давлат аҳамиятига молик бўлган ишга совуққонлик билан қарамоқдалар.

Аҳолини диспансер кўригидан ўтказишга юзаки муносабат халқ соғлиғини сақлашга эътиборсизликдир. Бу соҳадаги нуқсонларни тугатиш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Воқеалар* • *Хабарлар* • *Фактлар*

Дунё овози

Совет раҳбарининг китоби жаҳонда кенг оммалашмоқда

АФИНА, 20 январь. (ТАСС). Бугун бу ерда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг грек тилида нашр этилган «Қайта қуриш ва мамлакатимизга ҳамда бутун дунёга хос янгича фикрлаш» китобини Греция бош министри Андреас Папандреуга тантанали топшириш маросими бўлди. Китобда М. С. Горбачевнинг эсдалик ёзуви бор.

Греция ҳукуматининг бошлиғи шу муносабат билан М. С. Горбачев дунё миқёсидаги шахс эканлигини шубҳасиз исботлади, деди. У совет раҳбари ва АҚШ президентининг Москвада бўладиган учрашуви стратегик ҳужум қуролларининг 50 процент қисқартирилишига олиб келади, деб умид билдирди.

РИМ, 20 январь. (ТАСС). Италиянинг Мондадори етакчи нашриёт трести ўтган йилнинг охирида босмадан чиқарган КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг «Қайта қуриш ва мамлакатимизга ҳамда бутун дунёга хос янгича фикрлаш» китоби ўнлаб энг оммабоп нашрлар орасида биринчи ўринни мустаҳкам эгаллаб турибди. «Адок жи эффепи э ассочиати» ихтисослаштирилган компанияси мамлакатдаги энг катта «Стампа» газетасининг топшириғига биноан 150 та китоб магазини директорлари орасида ўтказган анъанавий ҳафталик савол-жавоб якунлари шундан далолат беради. Тадқиқотларга кўра, совет раҳбарининг китоби Апеннин ороллaридаги публицистик китоблар орасида энг бозори чаққондир.

БРАЗИЛИА, 20 январь. (ТАСС). Икки ой ичида 12 та китоб нашр этилди, 90 минг нусхада сотилди—Бразилияда нашриётчилик ишида ҳали бундай воқеа бўлмаган. — Энг катта нашриётлардан бири бўлган «Вестселлер» нашриётининг масъул редактори Яра Родригес хоним КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг «Қайта қуриш ва мамлакатимизга ҳамда бутун дунёга хос янгича фикрлаш» китобига нисбатан Бразилиядаги қизиқишни ана шундай таърифлади. У ТАСС мухбири Владимир Голенков билан телефон орқали гаплашиб, роппа-роса бир ой илгари китоб магазинларининг пештахталарига чиқарилган бу китоб ўтган йилнинг энг муҳим нашри, деб эътироф этилганини таъкидлади.

Редактор китобнинг дастлабки иккита нашри Бразилияда нашр этиладиган китобларнинг одатдаги тиражидан тўрт баравар кўп бўлганлигини эслатди. «Шу кунга қадар биз китобни юз минг нусхада нашр этдик ва шуни ҳам айтишим керакки, совет раҳбарининг китобига қизиқиш пасаймаяпти» — деди у. Бразилияда бирорта ҳам китоб бунчалик қисқа вақт ичида сотилмаган эди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ДАМАШҚ. Тель-Авив босиб олган араб территорияларида Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғи билан Ғазо секторининг Исроил томонидан оккупация қилиб олинишига қарши ҳаракат янги босқичга кирди.** Босиб олинган ерлардаги араб аҳолиси ҳамма уй-жойларга ва жамоат биноларига Фаластин миллий байроқларини илиб қўйишди. Араблар яшайдиган энг йирик аҳоли пунктларида ялпи иш ташлаш давом этмоқда. Фаластин қочоқларининг қишлоқлари ва лагерларида оммавий норозилик намойишлари бўлди, бу намойишларни тарқатиб юбориш учун Исроил армиясининг қисмлари жалб этилди. Қочоқларнинг ал-Жалазун лагерида намойишчилар Исроил мудофаа министри Ицҳак Рабин тушган автомобилни тошбўрон қилдилар, министр тиштирноғигача қуролланган соқчилар ҳимоясида «аҳвол билан танишиш учун» бу ерга келган эди. Исроил маъмурлари қўзғолончиларнинг ирода-сини букишга уриниб, фаластинликларни оч-наҳор қўйиш учун қамал эълон қилдилар.

● **НЬЮ-ЙОРК. Пентагон Форс кўрфази районида кенг миқёсли жанговар ҳаракатлар олиб бориш заруратти туғилганда керак бўладиган ўз базалари тармоғини қуриб бўлди.** «Крисчен сайенс монитор» газетаси шу ҳақда хабар бериб, Американинг ҳарбий денгизчилари самолётларга ёнилғи солиш учун шу базаларнинг айримларидан ҳозироқ фойдаланмоқдалар, деб таъкидлади. Араб давлатлари ўз территорияларида Американинг ҳарбий объектлари жойлаштирилишини истамаётганликлари сабабли, Вашингтон ўз маблағи ҳисобига ана шу мамлакатларнинг базаларини модернизация қилишни таклиф этди. Бунинг эвазига Пентагон шу базалардан фойдаланиши кўзда тутилди. Базалар тўғрисидаги битимга биринчи бўлиб Аммон имзо чекди. Шундан кейин АҚШ Кения ва Сомалининг порт ва аэродромларига кириш учун рухсат олди. Пентагоннинг Форс кўрфазига туташиб кетадиган Ҳинд океани районидаги асосий таянч пункти ҳамон Диего-Гарсия ороли бўлиб турибди. Базани модернизациялаш учун ҳозирнинг ўзидаёқ 1,1 миллиард доллар сарфланди ва яна камида 300 миллион доллар харжланиши назарда тутилмоқда.

● **ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Р. Рейган янги миллий космик программани маъқуллади.** Бу программада энг муҳим миллий космик вазифалар белгиланган бўлиб, узоқ муддатга мўлжалланган мақсад — Ер орбитасидан Қуёш системасига чиқишнинг имкониятларини кенгайтириш назарда тутилган. Янги техника ва технологияни ишлаб чиқишнинг кўп босқичли программаси янги космик программанинг таркибий қисмидирки, бу программа НАСА раҳбарлигида бажарилади ва Америка космонавтлари 2000 йилда Ойга яна учишини ва келгуси асрнинг бошларида Марсга парвоз қилишини амалга оширишни таъминлайди.

(ТАСС).

БУ—ТУРФА ОЛАМ

МИНОРАНИНГ «САЛОМАТЛИГИ» ЯХШИ

«Қулаётган минора» сифатида жаҳонга машҳур бўлган Италиянинг Пиза шаҳридаги ўрта асрга мансуб қўнғироқхона аҳволи қониқарлидир. Уни мунтазам кузатаётган мутахассисларнинг фикри ана шундай. Ўтказилган ўлчовлар шуни кўрсатдики, миноранинг ўз ўқидан бир йил мобайнида оғиши атиги 0,7 миллиметрга тенг экан. Утган йилларда эса «оғиш» тезлиги тахминан 1,26 миллиметрни ташкил этарди.

Миноранинг «саломатлиги» — унинг вертикал ўқидан оғиши 2 метр 95 сантиметрни ташкил этган бўлишига қарамай, жуда яхши, — деди Пиза университетининг профессори Ж. Тониоло. — Унинг ҳозирги аҳволи минора яна тахминан икки аср «умр кўришига» кафолат беради.

ОТА-ОНАЛАР ТАШВИШИ

Инглиз телетомошабинларининг тўртдан уч қисми Буюк Британия телевидениесининг анъанавий телемаҳсулотидан шу даражада тўйишганки, улар умуман телевизордан воз кечишга тайёрлар. «Сан» газетаси ўтказган жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижаси ана шундай.

Савол-жавоб қатнашчиларининг фикрича, телекўрсатувлар йил сайин ёмонлашиб бормоқда. «Зангори экран»нинг ашаддий ихлосмандлари — болалар ҳафтасига ўрта ҳисобда 25 соатлаб телевизор кўришар экан. Ота-оналарнинг кўпчилиги телекўрсатувлар уларнинг ақлий ва руҳий камолотига таъсир қилаётганлигидан ташвишланмоқдалар.

ГЕНЕТИКЛАР КАШФИЁТИ

Массачусет технология институти ҳузуридаги Уайтхед номли биология-медицина тадқиқотлар институтида ишлаётган америкалик олимлар ажратиб олган ген фаолияти, уларнинг сўзларига қараганда, аслида чақалоқнинг жинсини белгилаб беради. Медицина доктори Д. Пэйж раҳбарлигидаги 9 кишидан иборат группа 6 йил тадқиқот ишлари олиб бориб, шуни кашф этди. «Вашингтон пост» газетасининг ёзишича, мазкур ген организм ҳужайраларининг алоҳида химиявий модда ишлаб чиқариш жараёнининг бошланишига туртки беради, у «генетик яратувчи» ролини бажаради. Агар бу бирикма кўпроқ ишлаб чиқарилса, эркак организмининг ривожланишига олиб келади ва ўғил бола туғилади, акс ҳолда эса қиз бола дунёга келади.

• Ахборот

«Тоҳир ва Зуҳра» саҳнада

◆ Қашқадарёдаги М. Тошмуҳамедов номли область музикали драма театри коллективи Собир Абдулланинг «Тоҳир ва Зуҳра» асарини намойиш этди.

Асарни Ўзбекистон ССР халқ артисти Муҳтарама Носирова ва республикада хизмат кўрсатган артист Алиқул Тўлаев саҳналаштирдилар. Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Раҳимжон Комилжонов драмага музика басталади. Спектаклдаги ролларни республикада хизмат кўрсатган артистлар Одилжон Исмонилов, Омон Беганжиев, Ёқуб Ражабов, актёрлардан Жаббор Тошев, Ойгул Халилова, Ҳуррият Исроилова ва бошқалар ижро этмоқдалар.

Колхозда завод

◆ Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхоз ўз саноат корхонасига эга бўлди.

Бу ерда йилига икки минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлайдиган консерва заводи қурилиб, фойдаланишга топширилди.

М. КАРОМОВ.

Даволаш усули

Бухоро марказидаги 2-поликлиника ҳузурида ўзига хос касалхона иш бошлади. Унинг бошқа шифохоналардан фарқи шуки, беморлар кун бўйи муолажа қабул қилиб, кечқурун уйларига қайтишади.

— Бундай усул даволашнинг барча тадбирларини ўтказишга имкон беради, — дейди поликлиника бош врачи Т. Баҳронов. —Дастлаб бу тадбирни терапия касалликларига чалинган беморларга нисбатан қўлладик. Бундай даволаш усули ўзини оқлагач бошқа айрим касалликларни даволашда ҳам қўлланиш ниятидамиз.

Н. НАИМОВ.

• Байрон туғилган кунининг 200 йиллигига

ОЗОДЛИК-ЧУН КУРАШГАН...

Буюк зотларни кўп кўрган Англияда ҳеч ким Байронча-лик шов-шувга сабаб бўлган эмас: унга нисбатан муҳаббатнинг ҳам, нафратнинг ҳам чеки йўқ эди. Уни бировлар илоҳийлаштирса, ўзгалар лаънатларди, унинг номини бировлар кўкларга кўтарса, бошқа бировлар балчиққа беларди, бировлар уни буюк деса, ўзгалар жўн назмкаш деб атарди, бировлар уни озодлик жангчиси деса, ўзгалар ўта кетган ҳудбин дерди. Ҳуллас, Буюк Британиянинг ҳамма табақаларини Байрон сеҳрлаб қўйгандек эди: киборлар оламида ҳам, адабий давраларда ҳам, тўқувчи-ишчилар орасида ҳам Байрон ҳақида баҳс борарди. Сабаби у XIX аср учун кутилмаган инсон, фавқулодда даҳо эди.

Жорж Гордон Ноэл Байрон 1788 йил 22 январда Лондон шаҳрида туғилди. Унинг болалиги онаси —Шотланд қироли Иаков I авлодидан бўлмиш Кэтрин Гордоннинг уйида, Шотландиядаги Эбердин шаҳрида кечди. Отасининг амакиси вафот этгач, ўн яшар Байронга қадимий Ньюстэд қасри ҳамда ингилиз парламентининг юқори палатасидан ўрин эгаллаш ҳуқуқини берувчи лордлик унвони мерос бўлиб ўтди ва Байронлар оиласи яна Англияга қайтди.

Бўлажак шоир дастлаб Харроудаги ёпиқ мактабда, сўнг Кэмбриж университетида ўқиди. 1807 йили унинг «Беҳуда онлар» деб номланган биринчи шеърлар китоби босилиб чиқди. Аммо бу китоб «Эдинбург шарҳи» журнали томонидан қаттиқ танқидга учради. Шоир бу моҳиятан ноҳақ танқидга 1809 йили «Инглиз шоирлари ва шотланд шарҳчилари» деган сатирик достон билан жавоб берди. Шу йилнинг ўзида Байрон Шарқ бўйлаб саёҳатга чиқди: Португалия, Испания, Юнонистон, Албания, Туркияда бўлди. Англияга қайтгач, у «Чайльд Харольднинг зиёратлари» достонининг дастлабки икки қўшиғини эълон қилди. Бу асар шоирга жаҳоншумул шуҳрат келтирди. Айни замонда у сиёсат билан жиддий шуғуллана бошлади. 1812-1813 йиллар мобайнида парламентда у ўзининг машҳур нутқларини сўзлади. Унинг биринчи — дастгоҳларни яксон қилганлари учун ўлим жазосига маҳкум этилиши лозим бўлган ишчи-луддийларнинг ҳимоясига бағишланган нутқи ҳукмрон доиралар устидан чиқарилган айбномадек жаранглади. Иккинчи нутқи эса ирланд халқининг ҳуқуқсиз эканини исботлаб, инглиз қонунчиларининг иккиюзламачилигини очиб ташлади. Парламент депутати шахсининг дахлсизлиги ҳақидаги унинг учинчи нутқи ҳам ҳар томонлама диққатга сазовор эди.

Байроннинг эркпарварлик руҳидаги нутқлари ҳам, асарларидаги қулликка, зулмга қарши исён мотивлари ҳам ҳеч кимникига ўхшамаган, жуда кучли ифодага эга эди.

Улар шоирнинг сиёсий ва адабий душманларига қақшатқич зарба бўлиб тушарди. Душманлар эса, шубҳасиз, ўч олиш йўлларини қидирар, шоирга қарши ҳар томонлама ҳужум уюштиришга ҳаракат қилар эдилар. 1816 йилнинг 25 апрелида Байрон Ватанини умрбод тарк этди. Ўз юртида эрк учун курашиш бахтидан маҳрум бўлган шоир энди ўзга ватанлар эрки деб курашга отланди. 1819 йили у Италияда кенг ёйилган карбонарийлар ҳаракатига қўшилди, бу ҳаракатнинг изчил ташкилотчиларидан бирига айланди, қадимий Румони Австрия истибдодидан озод қилишга бел боғлади:

Эрк учун Ватанда
қилолмасанг жанг,
Сен қўшни ватанлар эрки
деб курош;
Юнону Румонинг туғин
тут таранг,
Бошингни тика бил эрк
учун саркаш!

Шоирнинг ўша пайтлардаги ҳолатини ифодаловчи бу мисралар, ҳар бир номус эгасини аввало Юнону Румони, қолаверса истибдод остидаги барча ватанларни озод қилишга даъват этувчи бу оловли сўзлар абадул абад умумбашарий чорловга айланиб қолди.

Таассуфки, 1822 йили карбонарийлар ҳаракати тормор этилди. Аммо эрк жангчиси Байрон курашдан тўхтамади. У ўз маблағига «Геркулес» деб номланган ҳарбий кема шайлаб, унга беш юз нафар кўнгилли жангчи-матрос ёллади ва қадим Юнонистонни Туркия зулмидан озод қилиш учун йўл олди. Кўп ўтмай у Миссолунги шаҳридаги қўзғолончи юнон қўшинларининг истеъдодли қўмондони сифатида танилди. Бироқ Байронга афсонавий Юнонистоннинг озодлигини кўриш насиб этмади: оғир безгакка учраган шоир-қўмондон, Юнонистоннинг озод қилинган қисми губернатори 1824 йилнинг 19 апрелида ўз ҳарбий постида мардларча ҳалок бўлди. У ўзининг гўзал лирикаси, жанговар шеърлари, «Абидос келини», «Чайльд Харольднинг зиёратлари», «Шилйон тутқуни», «Лара», «Корсар», «Мазепа» сингари романтик достонлари, «Манфред», «Сарданапал», «Ҳобил», «Замин ва Арш» каби шеърий трагедиялари ва «Дон Жуан» монументал достони билан жаҳон адаббиётида мангу ўлмас мактаб яратди. Бу мактаб мустамлакачилик ва урушга, истибдод ва қулликка қарши шоирона курашнинг буюк тимсолига айланди. Зеро Бальзак ва Гюго, Гейне ва Зайдлис, Пушкин ва Лермонтов, Мицкевич ва Петефи сингари улуғ адиблар ана шу байронизм мактабининг намояндалари экани бежиз эмас. Ҳатто, дастлаб байронизм устидан кулган, унга менсимай қараган, шоирнинг энг кекса ҳамкасби ва буюк замондоши Гёте ҳам ўзи сезмаган ҳолда байронизм руҳида асарлар яратди, умрининг охирларида шу оқим вакилларидан бирига айланди. «Бу —интиқом ва қайғу, лаънат ва умидсизлик илҳомининг янги, ҳали ҳеч ким эшитмаган овози эди. Байронизм руҳи бирдан бутун инсоният оралаб гувиллаб ўтгандек бўлди ва бутун инсоният бу чорловга лаббай деб жавоб берди», деган эди бу ҳақда буюк рус ёзувчиси Ф. М. Достоевский.

Орадан деярли икки аср ўтганига қарамай, буржуазия, ҳукмрон синфлар шоирдан ҳамон қўрқадилар, ундан ўч олишга ҳаракат қиладилар. Лекин бу уринишлар, барибир беҳуда. Токи дунёда бирон бир эркпарвар инсон яшар экан, токи тилларда «Озодлик» сўзи янграр экан, Байронга ўлим йўқ!

БАЙРОН

Кунинг битди

I

Кунинг битди, бошланди шонинг
Донг қозондинг мангу ватанда,
Эъзозлангай шамшир, қалқонинг
Энди, ўғлон, она масканда!
Сен эркинлик берган маконинг
Мардлигингни куйлар беканда!

II

Токи бизлар озод эканмиз,
Сен яшайсан — пок номинг қонм!
Қутлуғ қонинг кетмагай изсиз,
Қаро ерга сингимагай жим:
Томирларда у жўшиб иликс
Нафасларни ёндирар донм!

III

Бизга исминг жанггоҳлар аро
Бир жанговар даъватдир бугун!
Жасоратинг қўшиқдир, илло,
Қизларимиз куйлайди мафтун:
Кўз ёш қилмоқ гуноҳдир, зеро,
Аза очмас халқ ботир учун!

Октавалар

I

Ҳозир ўттиздаман, аммо сочда оқ,
Қирққа борганимда не кечади ҳол!
Парик танлайдиган кун эмас йироқ.
Суратан ёшман-у, сийратан мен—чол,
Ҳали май тугамай ёзим ўтди, боқ,
Жангари бўлмоғим энди кўп маҳол;
Умрим сармояси энди — фойизсиз,
Ўзимни енгилмас санаш — жойизсиз.

II

Оҳ, энди ҳеч қачон, энди ҳеч қачон
Қалбимга бир шаффоф шабнамдек
нимас
Кўкрак қафасимни қуви деб ҳар он
Бол ташиб яйраган нурафшон, сармаст,
Гўзаллик, шодликдан туғилган жаҳон!
Наҳотки, ул жаҳон болу болпараст!
Жаҳонмас, болпараст биз эдик, хайҳот,
Ҳар гулнинг тотини ошириб бот-бот!

III

Оҳ, энди ҳеч қачон, ҳеч қачон юрак,
Бўлмайсан сен менинг жону жаҳоним!
Менга борлиқ эдинг, энди сен эртак,
Бир четда на мунгли ва на хандоним:
Сен лоқайд боқасан, менда на истак,
На қолди эҳтирос, на бир туғёним,
Кўкрагим қафасин энди сен эмас,
Ақл дукуллатар бир меъёр, бесас.

IV

Ўтди-ку ишқ фасли! Мафтун этолмас
Энди қиз, жувон ҳам, менн бева ҳам,
Улар деб бир пайтлар мен эдим
сартмаст,
Энди аввалгидек шўх-шан яшолмам;
Ҳаттоки бир қултум май мумкин эмас,
Ҳаваслар барчаси топди-ю барҳам,
Қолди бир қартайган жентельменга хос
Қизғанчиқ бўлмоқлик одати, холос.

V

Сиғинган илоҳим — мағрурлик энди
Ётар Ғам ва Лаззат сағанасида;
Улардан қалбимга, билмам, не инди! —
Сарҳисоб бўлгайдир ўз санасида;
«Вақт кечди, кечмоқда, кечар!»
деб синди
Биринж бош Бэконинг остонасида:
Ёшлик бир лов этиб, туғатгани рост
Ақлимни —қофия, қалбни —эҳтирос!

VI

Шуҳрат не! Аслида номингни битиб, —
Эгасиз қоғозга эгалик қилмоқ:
У, кимдир айтгандек, ўзни унутиб
Туманли чўққига қараб интилмоқ;
Барибир ёзамиз, сўзлаб, жаҳд этиб
Чорлаймиз бўлмоққа «зулматда чироқ»,
Оқибат қолсин деб биз ўлган маҳал
Бир ному бир сурат, бир пачоқ ҳайкал.

VII

Биз нима кутайлик! Қадим Миср да
Қуриб шоҳ Хеопс энг буюк эҳром,
Ўйлади қолгай деб мангу замирда
Ўзидан хотиру мўмиё мудом;
Уни ҳам талади ўғрилар бирда
Тош тобут қопқоғин синдириб тамом:
Хўш, қандай хотира қолгуси биздан
Бир кафт хок қолмагач шоҳ Хеопсдан!!

Инглиз тилидан
Абдулла ШЕР таржимаси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕСПУБЛИКА КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ЯНВАРЬ ОЙИДА ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЭКРАНЛАРГА ЧИҚАРДИ

«АЗОБДА ҚОЛГАНЛАР, КИРИНГ!»

Анатолий Ткаченконинг шу номдаги қиссаси асосида суратга олинган.

СЦЕНАРИЙ МУАЛЛИФЛАРИ — АНАТОЛИЙ ТКАЧЕНКО, ЛЕОНИД ОСИКА.

РЕЖИССЕР — ЛЕОНИД ОСИКА.

РОЛЛАРДА: ГРИГОРИЙ ГЛАДИЙ, БОРИС ХМЕЛЬНИЦКИЙ, АЛЛА ОДИНГ ВА БОШҚАЛАР.

Бу фильм замонавий фалсафий ривоят бўлиб, инсон ва табиат муносабатлари, чуқур маънавий зиддиятлар ҳақида ҳикоя қилади. Бошқа оламдан келган уч киши ва уларнинг ҳўжайинлари ўртасида рўй берган воқеа икки хил ҳаётий фалсафанинг тўқнашувига олиб келади.

А. П. ДОВЖЕНКО НОМЛИ КИНОСТУДИЯ МАҲСУЛОТИ.

«ФЛЕЙТА УЧУН УНУТИЛГАН КУЙ»

СЦЕНАРИЙ МУАЛЛИФЛАРИ: ЭМИЛЬ БРАГИНСКИЙ, ЭЛЬДАР РЯЗАНОВ.

РЕЖИССЕР — ЭЛЬДАР РЯЗАНОВ.

РОЛЛАРДА: Л. ФИЛАТОВ, Т. ДОГИЛЕВА, И. КУПЧЕНКО, В. САНАЕВ, А. ШИРВИНД, В. ГАФТ ва БОШҚАЛАР.

Таниқли совет кинорежиссерлари Эльдар Рязанов ўзининг янги бадиий «Флейта учун унутилган куй» лентасини томошабинлар ҳукмига ҳавола қилди. Фильм маҳкама амалдорларига нисбатан аччиқ кесатиққа тўла сатирадир.

Фильм марказида «Бўш вақт бош бошқармаси» амалпарастларининг иши ва турмуши намоён бўлади. Улар ҳар куни «Гражданларнинг бўш вақтлари бўш қолмаслиги» учун қайғуришади, холос.

Янги кинолентада бюрократларни фош қилувчи ва таъсирчан лирика билан мужассам бўлиб кетади. Бу картинани ҳар қандай таъбли одам ҳам кўриб маза қилади.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ОЛИМПИАДАНИ КЎЗЛАБ

Бугун Тошкентда бокс бўйича мамлакат чемпионати байроғи кўтарилади

Республикамиз пойтахтида мамлакатимизнинг энг кучли ва иқтидорли чарм қўлқоп усталари тўпландилар. Боксчилар «Юбилей» спорт саройнинг катта залига ўрнатилган рингда астойдил маҳорат кўрсатиб, мутахассислар-у мухлислар эътиборини қозонишга ҳаракат қиладилар. Бойси, навбатдаги мамлакат шаҳсий-команда чемпионати шу йил кузда бошланадиган «Олимпиада-88» мусобақаларига ҳозирлиқнинг асосий босқичларидан бири ҳисобланади. Чемпионатда муваффақият қозонганлар орасидан номзодлар сараланиб, СССР олимпиада терма командасига асос солинади.

Мусобақада халқаро беллашувларнинг иштирокчилари—Европа ва жаҳон чемпионларидан Василий Шишов, Александр Ягубкин, Юрий Ваулин, Исроил Акопкохян, Юрий Александров, Орзубек Назаров сингари таниқли чарм қўлқоп усталари иштирок этадилар. Тошкент рингида жами 230 дан зиёд боксчини маҳорат синовидан ўтказиш кўзда тутилган. Бугун чемпионатнинг байроғи тантанали суратда кўтарилади. 26 январга қадар саралаш баҳслари бўлиб, 27—28 январда чорак финал учрашувлари ўтказилади. 29 январь ярим финал мусобақаларига мўлжалланган. Январнинг сўнгги куни мухлислар кескин ва муросасиз финал баҳсларининг шоҳиди бўладилар.

Иирик мусобақани ўтказиш учун Тошкент ringи танланиши бежиз эмас. Бойси, марказий «Юбилей» спорт саройида мамлакат миқёсидаги бир қанча мусобақалар ўтказилиб, спортчи-ю ҳакамлар ишончи оқланган. Ишқибозлар бу ерда Спартакиада, СССР чемпионларини ғолиблик супасида кўришган. СССР — АҚШ чарм қўлқоп усталари ўртасида ўтказилган халқаро мусобақа ғолибларини олқишлашган. Бундан ташқари спортнинг бокс тури республикамизда оммавийлиги ва ажойиб резервлари билан ажралиб туради.

Чемпионатга Ўзбекистон боксчилари пухта ҳозирлик кўришди. Жумладан, самарқандлик Гамлет Илёсов Кубада ўтказилган ёшлар жаҳон чемпионатида биринчиликни эгаллаб, ўзини кўрсатди. Шунингдек, ўтган йилги мамлакат чемпионатида тошкентлик Сергей Василенко бронза медалини қўлга киритди. Уларнинг командадошлари Филип Яковлев билан Артур Григорян СССР кубоги учун баҳсларда совринли ўринларни эгаллашди. Умуман эса республика терма командаси йил якунига кўра кучли коллективлардан кейин бешинчи бўлди.

— Боксчиларимиз Олимпиадага номзод бўлиш учун зўр иштиёқ билан шайландилар, — дейди республика терма командасининг устози, «Дўстлик-84» халқаро мусобақасининг совриндори Владимир Шин. — Якунловчи ҳозирлик Англия шаҳрида олиб борилди. Командамиз 24 боксчидан иборат. Албатта, шунча спортчи билан мамлакат чемпионатида иштирок этишнинг иложи йўқ. Улардан қобилиятли ёшларни саралаб, йўлланма берамиз. Жумладан, 48 килограмм вазнли О. Степанян, Қосим Раҳимов, Илёс Раҳимжонов (54 кг), Собир Кесейхонов (57 кг), С. Басканов (63 кг), Толиб Исроилов (67 кг), Фарҳод Усмонов (75 кг), Сергей Василенко, Матёқуб Матжонов, Роман Панарин (75 кг), Ринат Тришчев (91 кг)ларга катта умид боғлаб турибмиз.

Спортчиларимиз Сухуми шаҳридаги машқлар пайтида СССР терма командаси аъзолари сафида муносиб ўринбосарлар камол топаётганлиги қувончли, албатта. Лекин мамлакат чемпионати интиҳонидан ўтиш осон бўлмайди.

— Тўғри, — дейди боксчиларимиз устози Владимир Шин. — Ҳаммаси ҳақиқий баҳсда аён бўлади. Биз ёшларни жисмоний ва маънавий имкониятларига ишонамиз. Ўйлаймизки, вакилларимиз бундан бир неча йил илгари СССР халқлари ёзги Спартакиадаси финал мусобақаларида бўлгани сингари ўз майдонларида мухлислар олдида уялиб қолмасликка уринадилар. Маълумки, ўша Спартакиадада Р. Рисқиев, Н. Анфимов, В. Юдин, А. Қодирохунов, И. Муллаев ўзларини кўрсатишган эди. Эндиги навбат эса, уларнинг ўринбосарларига. Тошкент рингидаги баҳслар унутилмас таассуротларга бой бўлади, деган умиддамиз.

А. АЛИМОВ.

ЧЕМПИОНАТ СССР ПО БОКСУ *88 ТАШКЕНТ

КУРАШ:

МАСТЕР БЎЛИШДИ

Олмаликда дзюдо бўйича «Комсомолец Узбекистана» газетаси соврини учун ўтказилган анъанавий Бутуниттифоқ мусобақаси якунланди. Бу сафарги беллашувларда мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган 130 дан зиёд полвон ўзаро беллашди. Мусобақа низомига мувофиқ кураш майдонига асосан спорт мастерлигига номзодлар тушдилар. Шу боис вазнларига кўра ғолиблик супасига кўтарилганлар спорт мастери нишонини қўлга киритдилар. Қизғин беллашувларда эса Юрий Волков (Йошкар-Ола), Жумабек Хавасов (Тошкент), Рифат Абдукеремов (Чирчиқ), Ҳайрулла Нарзиев (Тошкент), Раззоқберди Болтаев (Тошкент), Андрей Велиев (Ангрен), Сервер Муродасилов (Олмалиқ) ва мутлоқ вазн бўйича Дантутис Мимелис (Вильнюс)лар ғалаба қозонишиб, мухлислар олқишига сазовор бўлишди.

ВОЛЕЙБОЛ:

ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА

Свердловскнинг «Уралочка» командаси Европа чемпионлари кубоги учун курашнинг финалига йўлланма олди. Улар Венгриянинг «Уйпешт-Дожа» клуби билан такрорий учрашувда 3:0 ҳисобида муваффақият қозонишди. Финал учрашуви февраль ойининг ўрталарида Югославиянинг Славонски-Брод шаҳрида ўтказилади.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

◆ Ҳиндистонда Жавохарлал Неру хотира соврини—«Олтин кубок» учун халқаро турнирда СССР олимпиада командаси иккинчи учрашувни Венгрия футболчилари билан ўтказиб, 1:0 ҳисобида муваффақият қозонишди. Вакилларимиз биринчи учрашувда Болгария командасини шу ҳисобда енгишган эди.

◆ Парижда москвалик спартакчилар анъанавий халқаро турнирда иштирок этиб, иккинчи ўринни эгаллашди. Мини-футбол бўйича ўтказилган бу мусобақада 6 та команда иштирок этиб, Франциянинг «Нант» клуби ғалаба қозонди.

Редактор ўринбосари
Т. НАЖМИДДИНОВ.

БУТУНИТТИФОҚ ҚОРАКУЛЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

1988 йил учун

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

кундузги ва сиртқи

АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

хусусий зоотехния, чорвачилик маҳсулотлари, ишлаб чиқариш технологияси, қишлоқ хўжалик ҳайвонларини кўпайтириш, селекция ва зот олиш, ўтлоқшунослик, селекция ва уруғчилик, озуқа экинлари.

Ҳужжатлар 15 февралгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 22 февралдан бошланади.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 703023, Самарқанд шаҳри, К. Маркс кўчаси, 47-уй.

●

Ташкилотлар, корхоналар, колхозлар, совхозларнинг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА КУЧАТЛАР СОТАДИ

2 йиллик бодом, шафтоли, олма, олхўри, ўрик, нок мевали дарахт кўчатлари;

чинор, 2-3 йиллик ёнғоқ, тут, терак, лигуструм, бодом, икки йиллик олча, манзарали дарахт кўчатлари;

3-4 йиллик можжевельник, 1-2 йиллик тут, 3 йиллик заранг дарахти кўчатлари.

Мурожаат учун адрес: Наримонов шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 15-уй. Телефон 90-35-55.

Уй-жой ва жамоат биноларини типовой ва эксперментал лойиҳалаш зонал илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтининг

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БАЗАСИ (ТАШЗНИИЭП)

— буюртмачи материалидан эксперименталь ва айрим хусусий темир-бетон конструкциялар ҳамда элементларни тайёрлаш;

— қурилиш конструкциялари ва материалларининг турли таъсирларга бардошлигини синаш ишларини

АМАЛГА ОШИРАДИ.

Ушбу адресга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Ниёзов кўчаси, 17-уй (10, 88-автобуслар ҳамда 14-маршрут таксисининг «Нукус» кинотеатри» бекати). Телефон 46-07-61.

●

СТУДЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ СИРТҚИ УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

барча мутахассисликлар бўйича

сиртқи 2-курс бўлими студентлари учун қишки сессия 25 январдан 8 февралгача ўтказилишини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси коллективи тарих фанлари илмий редакциясининг катта илмий муҳаррири Р. Умаровга отаси

Ҳамид УМАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент областлараро трикотаж база конторасы коллективи «Узторгодежда»нинг Жиззах область базасы директори К. Раимжоновга опаси

Рисолат РАИМЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Совет Ўзбекистони» журнали редакцияси коллективи редактор Қ. Ташметовга укаси

Убайдулло Қулиевич ТАШМЕТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 9.35 — В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари. 10.45 — Маданият ва техника уйи. 11.15 ва 15.55 — Янгиликлар. 16.05 — Қайта қуриш прожектори. 16.15 — Болалар учун фильм. 17.35 — Фан: назария, тажриба, практика. 18.05 — Эстония телевидениесининг программаси. 19.40 — Дунё воқеалари. 20.00 — «Малиновкада тўй». Кинокомедия. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Эйзенштейн ҳақида. 23.05 — Нигох.

МТ-II. 9.00— Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — География. 10.05 — Инглиз тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — География. 12.05 — Инглиз тили. 13.05 — «Бот.қоқликдаги одамлар. Полесье хроникаси». Бадиий фильм, 8-серия. 14.15 ва 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Агар соғлом бўлай десанг. 19.00 — Ҳайвонот оламида. 20.00 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Илмий-оммабоп фильм. 21.00 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Ботқоқлиндаги одамлар. Полесье хроникаси». Бадиий фильм, 8-серия. 23.30— Классик кураш. СССР чемпионати. 24.00 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 6.55 — «Ассалому алайкум». 16.45 — Зоология. 17.15 — Телефильм. 17.30 — География. 18.05 — Мультфильм. 18.25 — Техника ижодиёти мактаби. 19.00 — Ёшлик 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телефильм. 20.00 — Чорвадор. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Кўҳна-созлар. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Болалар овқатланиши муаммолари. 22.45 — Эстрада калейдоскопи.

УзТВ-II. 19.30 — Болалар учун фильм. 20.30 — Ритмик гимнастика. 20.55 — Беш йиллик: ишлар ва одамлар. 21.30— Время. Фрунзе. 22.15 — «Учинчи авлод». Бадиий фильм.

• Тингланг, томоша қилинг

22 ЯНВАРЬ, ЖУМА

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 9.30 — М. Юсупов асарлари. 9.45 — Халқ контроли радиопости. 10.15 — Ўзбек кинофильмларидан қўшиқлар. 11.15 — Юность. 12.10 — Мелиоратор. 12.30 — Бир жуфт қўшиқ. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Н. Аедоницкий қўшиқлари. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшитириш. 15.30 — Лениндан ўрганамиз. 15.50 — Кичкинтойлар учун концерт. 16.00 — Дўстларимиз овози. 18.15 — Социалистик турмуш тарзи. 18.30 — Музикали дақиқа. 18.40 —Ленинча дўстлик байроғи остида. 19.20 — Огонёк. 20.15 — Ижтимоий фанлар ва замонамизнинг актуал масалалари. 20.30 — «Садо» вокал чолғу ансамбли ижро этади. 21.30 — Талабларга биноан концерт. 23.10 — Бугун радиотеатрда. 00.30 — Тунги музикали программа.

Р. — 10547. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. — 18. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12